



# VATANDOSH

Vatandin yaxshi yor bo'lmas!

www.vatandosh.uz

The First Uzbek Newspaper in the U.S. | AQShdaги биринчи ўзбекча газета | 2014 йил 17 апрель, № 36

Агар грин карта соҳиби АҚШдан ташқарида махсус рухсатномасиз 1 йилдан ортиқ қолиб кетган бўлса, бундай шахс қайтиб АҚШга кираётганда аэропортда грин картаси бекор қилиниши мумкин. Шунингдек, грин карта муддатини кейинги 10 йилликка чўзиш учун топширган аризаси (I-90 Application for replacement of permanent resident card) рад этилиши эҳтимоли юқори.



4-БЕТ

## АҚШдан кетганларнинг грин картаси олиб қўйиладими?

## Ўзбекча гаплашамиз!

2-БЕТ



No English beyond this point

### Америкада Наврўз тантаналари

5-БЕТ

“Vatandosh” Ўзбек-Америка жамияти Нью-Йорк шаҳрида Наврўз байрамини нишонлади. Унда 500 га яқин ватандошимиз иштирок этди.



### Кутубхона қуришга нима дейсиз?

6-БЕТ

Брайтонни кичик Тошкент маҳалласига, Дитмасни эса кичик Самарқанд кўчасига айлантирган ўзбекистонликларнинг Нью-Йоркда нега битта бўлса-да кутубхонаси йўқ?




### Украина уруш ёқасидами?

11-БЕТ

Украина раҳбари, ўрисча айтганда, и.о президент Турчинов “сепаратист ва террорист”ларга қарши махфий бўлган ҳарбий амалиёт бошлади.



# Ўзбекча гаплашамиз



**Америкага кўчиб келиб яшаётган ўзбекистонликлар сони йилдан йилга ортиб бормоқда. Бруклин кўчаларида бундан 20-30 йил олдин бир дона ўзбекистонликни учратиш қолсангиз, йиғлаб бағрингизга босган бўлардингиз, ҳозир эса улар сони кўпайиб кетганидан киприк ҳам қоқмайсиз.**

Биз инглиз тили асосий тил ҳисобланган мамлакатда яшаймиз. Бу юртга ўспиринлик ёшидан ўтиб кириб келган ватандошларимиз учун она тилини эсдан чиқариш муаммоаси катта бўлмаса-да, шу ерда туғилиб ўсаётган ва балоғат ёшининг дастлабки йилларида келганлар учун бу гапни айтиш қийин. АҚШда яшаётган ёшларимиз орасида ўзбек тилининг унут бўлиб бораётгани шундан.

Она тилимиз биз учун онамиздек қадрли. Онамизни қандай севсак, улар учун ҳар нарсага тайёр бўлганимиздек, она тилимиз муҳофазаси учун ҳам қўлимиздан келган ҳамма ишни қилишимиз керак. Қолаверса, миллий ўзликни йўқотиш тилни бой беришдан бошланади.

Ҳамма муҳожирлар ҳам бир кун келиб тилини йўқотади, бу инкор қилиб бўлмайдиган жараён, дея фикр юри-тувчиларга қулоқ осмаслигимиз керак. Чунки бу гапнинг тўғри эмаслигини биламиз. Тилни асраб қолиш масаласи фақат ўзимизга боғлиқ.

Мисол учун, Бруклиннинг Боро Парк туманида яшайдиган Ашкеназий яҳудийларини олиб кўринг. Улар Нью-Йоркка келган муҳожирларнинг энг аввалгилари ҳисобланса-да, уч-тўрт авлод ўтибдики, ҳали ҳам ўзининг

миллий тилига садоқатини йўқотмаган. Бунинг учун улар оилада, цинагога ва бошланғич мактабларида фақат идиш тилида сўзлашади. Бола маълум ёшга келгандан кейингина унга инглиз тилини ўрганиш ва унда сўзлашга рухсат берилади. Демак, биз ҳам ўз она тилимизни сақлаб қолиш учун жиддий тиришсак ва бу йўлда турли дастурлар ишлаб чиқиб, уларнинг татбиқи билан жон куйдирсак, бунинг йўли бор, албатта.

## Бизнинг таклиф

Америкадаги ватандошларимиз орасида тил муҳофазаси учун ойлик акциялар ўтказишимиз керак. Масалан, йилнинг бир ойини “Ўзбек тили ойи” (Uzbek language awareness month) деб эълон қилиб, бу ойда ватандошлар ўзаро ва оилаларда фақат ўзбек тилида сўзлашиши керак. Бу ишга, айниқса, ота-оналарни фаол жалб этиш керак. Турли маданий йиғинларда бу ҳақда эслатиб бориш керак.

Ўзбек хонадонларида инглиз тилида сўзлашишни камайтириш мақсадида ота-оналар ёрдамида аниқ дастурлар ишлаб чиқиш керак. Масалан, хонадон эшигига “Бу ерда инглиз тилида сўзлашилмайди” белгисини осиб қўйиб, уй ичида инглиз тилида га-

пирганларга жарима турларини ишлаб чиқиш ёки фақат ўзбек тилида гапириш қоидаларини бузмаганларни рағбатлантириш мумкин.

Ўзбек хонадонларидаги китоб жовонларида ўзбек тилидаги китобларни, газета, журнал ва бошқа турдаги оммавий ахборот олиш воситаларини кўпайтириш керак.

Ўзбек тилида адабиёт кечалари уюштириш, ёшлар орасида давра суҳбатларини ташкил этиш ҳам мақсадга мувофиқ. Масалан, кутубхона лойиҳамиз йўлга қўйилгандан кейин ёшларимиз орасида ҳафтанинг маълум кунлари йиғилиб бир бадиий китобнинг муҳокамасини ташкил этиш мумкин. Унда ҳамма ўзи ўқиган китоб ҳақида ўзбек тилида фикр алмашиш имкониятига эга бўлади.

Биз Америкага келиб бу мамлакатнинг тилини ўрганмайлик дейишдан мутлақо узоқдамиз. Аксинча, бу юртда ўқиб, ишлаб яхши ҳаёт кечиришнинг энг муҳим шартларидан бири бу инглиз тилини мукамал билишдир. “Ўзбек тили огоҳлиги ойи” лойиҳасини ўтказишдан мақсадимиз ватандошларимизни ўз тилини бошқа тил ҳисобига эсдан чиқармасликка, ўзлигимиз, миллатимиз, ватанимиз биз учун қадрли бўлса, бунинг исботини амалда тилимизни қадрлаш орқали кўрсатишга ундашдан иборат.

Сиз нима дейсиз, Ватандош? Ўзбекча гаплашамизми?

**Фарҳод СУЛТОН,**  
«Vatandosh» Ўзбек-Америка  
жамияти раиси

## “Vatandosh” жамиятига раис сайланди

4 апрель куни Нью-Йоркда “Vatandosh” Ўзбек-Америка федерациясининг навбатдаги йиғини бўлди. Унда Маслаҳат Кенгашини тузиш ва жамият раисини сайлаш масаласи кун тартибига қўйилди.

Маслаҳат Кенгашига жамиятнинг бир қатор фаол аъзолари киритилди. Шундан сўнг Бошқарув Кенгаши бир овоздан Фарҳод Султонни икки йил муддатга жамиятнинг раиси этиб сайлади.

“Vatandosh” Ўзбек-Америка Федерацияси нодавлат нотижо-

рат ташкилоти бўлиб, Америка Қўшма Штатларида истиқомат қилувчи ўзбекистонликлар томонидан ташкил этилган. Ватандошларни ижтимоий, иқтисодий ва маданий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, ўзбек миллий қадриятлари, урф-одатларини асраб-авайлаш, ўзбек тилини оммалаштириш, Ўзбекистонни кенг жамоатчиликка танитиш федерация олдидаги асосий мақсадлар ҳисобланади.

## “ВАТАНДОШ”ГА ОБУНА БЎЛИНГ

Газетамиз ҳар ой хонадонингиз меҳмони бўлсин!

[www.vatandosh.uz/obuna](http://www.vatandosh.uz/obuna)

TO ADVERTISE IN

“VATANDOSH”,  
PLEASE CALL:

(212) 372-3050

Vol. 35. Thursday,  
April 17, 2014

Publisher:  
**Vatandosh**  
Uzbek-American Federation

Editor-in-Chief:  
**Behzod Mamadiev**

Managing Editors:  
**Farhod Sulton**  
**Shohruh Kenjaev**

Deputy Editors:  
**Murod Gafurov**  
**Nilufar Salimova**

Board Members:  
**Jo'ra Bo'tako'z**  
**Narhudja Sadikov**  
**Hikmat Sulton**  
**Abdulmalik Ahmedov**  
**Abdulvohid Sabri**  
**Umar Zakirhojaev**  
**Farog'at Zokirova**  
**Dilshod Zokirov**  
**Asqar Ubaydullaev**  
**Siddiq Sanaev**  
**Mansur Jumaev**

Editorial and Executive  
office:

2667 Coney Island Ave,  
Brooklyn, NY 11235

Phone: 212-372-3050

Web: [www.vatandosh.uz](http://www.vatandosh.uz)

Email: [info@vatandosh.com](mailto:info@vatandosh.com)

*All materials in this newspaper have been copyrighted and are the exclusive property of Vatandosh, Inc, and cannot be reproduced without the due consent of the publisher.*

*The views and opinions expressed by our columnists do not necessarily reflect the editors' point of view. We are not responsible for content of advertisements and products and establishments advertised in Vatandosh.*

## ИЖОДКОРЛАР ДИҚҚАТИГА:

Биз билан ижодий ҳамкорлик қилишни истайсизми? «Vatandosh» боп мақола ва асарларингиз борми?

Ижодий ишларингизни ҳамда ҳамкорлик бўйича таклиф ва мулоҳазаларингизни [info@vatandosh.com](mailto:info@vatandosh.com) орқали бизга йўланг.

## Moody's: Ўзбекистоннинг банк тизими "барқарор"



Халқаро «Moody's» агентлиги томонидан 15 апрель куни эълон қилинган ҳисоботда қайд этилишича, Ўзбекистоннинг банк тизими "барқарор" фаолият юритмоқда. Агентлик буни ҳукуматнинг иқтисодиётга жадал инвестиция киритаётгани ҳамда ялпи ички маҳсулот барқарор ўсиши билан боғлаган.

"Ўзбекистон ялпи ички маҳсулоти сўнги ўн йилликда 6 фоиздан юқори бўлди. Халқаро валюта жамғармаси 2014 йилда ЯИМ ўсиши 7 фоиз бўлишини прогноз қилган. Мамлакат иқтисодиёти ўсиш кўрсаткичлари МДХнинг бошқа давлатларига қараганда бирмунча "жадал" бўлиб, товарлар экспорти диверсификация қилинган, ҳукумат экспортдан тушаётган даромадни ижтимоий харажатларга йўналтирмоқда", дейилади агентлик расмий хабарида.

Агентлик, шунингдек, муаммоли кредитлар улуши сўнги 12-18 ой давомида жами кредитлар ҳажмида 6-7 фоиз миқдорида бўлишини башорат қилиб, айтиш пайтда муаммоли кредитларни қоплаш бўйича банклар захиралари 50 фоиз атрофида эканлигини қайд этган. «Moody's»нинг қайд этишича, бу "қониқарсиз".

Агентлик Ўзбекистон банкларининг тузилмавий жиҳатдан кучсиз тарафлари бор эканлигини қайд этган. Банкларда корпоратив бошқарувнинг яхши ривожланмагани, банклар фаолиятига ва нарх сиёсатига давлат аралашуви юқори даражада эканлиги шулар жумласидандир. «Moody's» Ўзбекистон банклари жалб қилган мижозлар маблағлари таркибида қисқа муддатли юридик шахслар депозитлари кўплигини кўрсатиб ўтган.

Ўзбекистон банклари амалиёт фаолиятдан келиб тушган даромадлари МДХда энг юқори кўрсаткичлардан бирига эга эканлиги қайд этилиб, бунда турли тўлов ва комиссиялар улуши 40 фоизни ташкил қилади.

Ўзбекистон банкларининг рейтингини ошириш бўйича тизимли қўллаб-қувватлаш чекланган бўлиб, давлат одатда банкларнинг ликвидлигини оширишга эътиборини қаратади.

## Ўзбекистонликлар Россиядан 6,6 миллиард доллар юборган

Россия Федерациясидан Ўзбекистонга жисмоний шахслар



томонидан пул ўтказиш тизимлари орқали 6 миллиард 632 миллион доллар пул юборилган. Россия Марказий банки маълумотларига кўра, бу Марказий Осиё мамлакатлари орасида энг кўп кўрсаткич ҳисобланади.

Иккинчи ўринда эса Тожикистон аҳолиси бўлиб, улар она юртига 4 миллиард 134 миллион доллар жўнатишган. Қирғизистон аҳолиси эса 2 миллиард 80 миллион доллар, Қозоғистонга эса 455,4 миллион доллар ҳамда Туркменистонга 39,9 миллион доллар юборилган.

Шуни қайд этиш керакки, 2012 йилда Ўзбекистонга Россиядан 5,693 миллиард доллар миқдорида пул жўнатишган.

Россия Миграция хизмати ҳисобкитобларига кўра, мамлакатда 10,2 миллион нафардан ортиқ чет эл фуқаролари бўлиб, уларнинг 20-25 фоизини Ўзбекистон фуқаролари ташкил этади.

Эслатиб ўтамоқчи, 2013 йилда Ўзбекистон бюджетининг даромадлари қисми 26 триллион 223,2 миллиард сўм (қарийб 12 миллиард АҚШ долларига тенг бўлган).

Жаҳон банки маълумотларига кўра, Ўзбекистон ялпи ички маҳсулоти 51,1 миллиард долларни ташкил қилган. Шу ҳисобда айтганда, ялпи ички маҳсулотга нисбатан Россиядаги ўзбекистонликлар юборган маблағ улуши қарийб 13 фоизни ташкил қилади.

## БМТга Ўзбекистон доимий вакили тайинланди



Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонида Биноан, Музаффар Мадраҳимов Ўзбекистон Республикасининг БМТдаги доимий вакили (Нью-Йорк) этиб тайинланган. Бу ҳақда Ташқи ишлар вазирлиги матбуот хизмати хабар берди.

Бунгача Ўзбекистон Республикасининг Бирлашган Миллатлар Ташкилотидagi доимий вакили сифатида Дилёр Ҳақимов ишлаб келаётган эди. У ўтган йилнинг октябрь ойида Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазирининг биринчи ўринбосари этиб тайин-

ланди.

Дилёр Ҳақимов Ўзбекистон Республикасининг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳузуридаги доимий вакили сифатида 2013 йил 28 март куни БМТ Бош котиби Пан Ги Мунга ишонч ёрлиқларини топширган эди. У бунгача Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлигининг АҚШ ва Америка департаментини бошқарган.

## Украинадаги вазият бўйича "хавотир ва ташвиш" билдирилди



Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн тўртинчи ялпи мажлисида Украина ва унинг атрофида юз бераётган воқеаларга муносабат билдирилди.

Сенат матбуот хизмати тарқатган хабарда айтилишича, сенаторлар халқаро вазият нуқтаи назаридан келиб чиқиб, бутун жаҳон ҳамжамияти қатори Ўзбекистон ҳам Украина ва унинг атрофидаги вазиятдан ташвишланмаслиги мумкин эмаслигини таъкидладилар.

"Сенаторлар ушбу масала бўйича Ташқи ишлар вазирлигининг шу йил 4 ва 24 мартдаги баёнотларида билдирилган позицияни қўллаб-қувватлаб, Украинада юз бераётган воқеалар вазиятнинг жиддий мураккабланишига ҳамда қарама-қаршиликка олиб келгани баробарида, улар тангликнинг янада кучайишини, олдиндан айтиш мушкул бўлган оқибатларни келтириб чиқариши, мамлакат суверенитети ва ҳудудий яхлитлигига жиддий хавф солиши мумкинлиги Ўзбекистонда чуқур хавотир ва ташвиш уйғотмаслиги мумкин эмаслигини қайд этдилар", — дейилади ахборотда.

Сенаторлар юзага келган вазиятнинг бартараф этилишини, энг аввало, куч ишлатишлар қўлланилишидан воз кечилган ҳолда, вужудга келган муаммолар тинч йўл билан, сиёсий воситалар ва сазой-ҳаракатлардан фойдаланилган тарзда, халқаро ҳуқуқнинг асосий меъёрларига ҳамда БМТ Низомига асосланган ҳолда, музокаралар йўли билан ҳал этилишида кўрилади, деган фикрни билдирдилар.

## Бош вазир парламентга ҳисобот беради

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан маъқулланган Конституцияга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонунга кўра, Бош вазир Ўзбекистон Республикаси



Олий Мажлисига ҳар йили мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг энг муҳим масалалари юзасидан маърузалар тақдим этади. Илгари бу ҳуқуқ Президент зиммасида эди. Бу ҳақда "РИА Новости" хабар тарқатди.

Шунингдек, Бош вазир лавозимига номзод Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида унинг номзоди кўриб чиқиладиганда ва тасдиқланаётганда Вазирлар Маҳкамасининг яқин муддатга ва узоқ истиқболга мўлжалланган ҳаракат дастурини тақдим этади.

Айни пайтда вилоят, туман ва шаҳар ҳокими тегишли халқ депутатлари Кенгашига вилоят, туман, шаҳар ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг энг муҳим ва долзарб масалалари юзасидан ҳисоботлар тақдим этади.

## Олий ва ўрта махсус таълим вазири алмашди



Тошкент давлат иқтисодиёт университети ректори Алишер Ваҳобов Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазири этиб тайинланган. Бу ҳақда вазирлик сайти хабар тарқатди.

Алишер Ваҳобов олий ва ўрта махсус таълим вазири лавозимида Баҳодир Ҳодиев ўрнига келди. Ходиев 2010 йил март ойидан бери вазирликка раҳбарлик қилиб келаётган эди – вазирликдан аввал Ходиев ҳам ТДИУда ректор сифатида ишлаган.

Университет вакилининг «Kun.uz» сайтига маълум қилишича, Ваҳобов 14 апрель куни вазир этиб тайинланган ва унинг ўрнига ким ректор этиб тайинлангани ҳозирча аниқ эмас.

Сайт манбаларининг маълум қилишича, Баҳодир Ходиев фан, таълим ва маданият масалалари бўйича Ўзбекистон Президенти давлат маслаҳатчиси этиб тайинланган. Ушбу лавозимда 2013 йилдан бери ишлаб келган Жаҳонгир Исмоилов 10 апрелдан Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази директори этиб тайинланган.

«Vatandosh»

# АҚШдан кетганларнинг грин картаси олиб қўйиладими?

**Савол:** Грин карта соҳиби АҚШда 5 йил яшагандан сўнг Ўзбекистонга қайтиб бориб, у ерда, масалан, 10-15 йил қолиб кетса ва кейинчалик АҚШга яна қайтиб, илгари яшаган 5 йиллик муддати асосида АҚШ фуқаролигини ёки янги грин картани олиши мумкинми?

**Жавоб:** Йўқ, мумкин эмас. АҚШ фуқаролигини олиш учун N-400 анкетасини тўлдириб, натурализация жараёнидан ўтиш керак. Бунинг учун қуйидаги шартларга жавоб бериш лозим:

(1) Грин карта билан АҚШ тупроғида (50 штатдан бирида) камида 5 йил яшаган бўлиши;

(2) N-400 анкетасини тўлдириб, топшириш кунигача камида 30 ой АҚШда жисмонан яшаган бўлиши;

(3) Охириги 5 йил ичида чет элга чиққан бўлса, хорижда яшаш муддати 6 ойдан ошмаган бўлиши керак.

Агар хорижда яшаш муддати 6 ойдан ошган бўлса, қайтиб кирган кундан бошлаб 30 ойлик муддат қайтадан ҳисобланади. Истисно ҳолат шуки, агар 6 ойдан кўпроқ, лекин 1 йилдан камроқ муддат АҚШда жисмонан яшамаган бўлса, бундай шахс АҚШда резидентликни сақлаб қолганлигини исботловчи ҳужжатларни тақдим этиши шарт (АҚШдаги уйи ҳужжатлари, ижарада турган бўлса, ижара шартномаси, ижара тўловлари, олган даромадлари ва солиқ тўлагани ҳақидаги ҳужжатлар ва ҳоказо).

Агар грин карта соҳиби АҚШдан ташқарида махсус рухсатномасиз 1 йилдан ортиқ қолиб кетган бўлса, бундай шахс қайтиб АҚШга кираётганда аэропортда грин картаси бекор қилинишига сабаб бўлиши мумкин. Шунингдек, грин карта муддатини кейинги 10 йилликка чўзиш учун топширган аризаси (I-90 Application for Replacement of permanent resident card) рад этилиши эҳтимоли юқори.

**Савол:** Ўзбекистон фуқароси АҚШга учинчи давлат, масалан, Туркия ёки Россия орқали борса ёки АҚШдан Ўзбекистонга шу давлатлар орқали келса, Ўзбекистон аэропортида АҚШ визаси ёки грин карта бор-йўқлиги ҳақида сўраладими?

**Жавоб:** Ўзбекистондан хорижга учаётган шахс, Тошкент аэропортига киргач, биринчи бўлиб чиптани расмийлаштирувчи авиакомпания ходимига паспорти ва авиачиптасини кўрсатади. Аэропорт ходими паспортнинг муддати ўтмаганлигини, яроқлилигини ва ОВИР чиқиш визаси мавжудлигини текширади (Виза талаб қилинмайдиган МДХ давлатларига кетаётган бўлса, шахснинг паспортида

ички ишлар идорасининг юмалоқ гербли муҳри бўлиши керак).

Аэропортдаги ходим паспортдаги исм-фамилияни компьютерга киритганда бу шахснинг қаерга учиб кетаётгани кўринади. Шундан сўнг самолётга чиқиш талонини (посадочный талон) принтердан чиқариб, юкларни сўнгги манзилгача расмийлаштириб беради (“Ўзбекистон ҳаво йўллари” чиптаси билан ҳар бири 23 кг. дан ошмаган 2 та юк жамадони ва 8 кг. гача бўлган қўл юкини бепул олиб кетиш мумкин).

Агар шахснинг авиачиптасига Тошкент – Москва – Нью-Йорк деб ёзилган бўлса, авиакомпания ходими АҚШ визаси мавжудлигини ва унинг муддатини текширади. Виза мавжуд бўлмаган ҳолатда, грин карта кўрсатишни талаб қилади. Шундагина борт талони расмийлаштириб берилади.

Сўнгги пайтларда йўловчидан АҚШдаги аниқ манзилни тўлиқ ёзиб беришларини талаб этиш ҳолатлари ҳам учраяпти.

Чиптани расмийлаштиригандан сўнг йўловчи божхона декларациясини тўлдиради ва божхона кўригидан ўтади. Хавфсизлик ходимлари шахснинг паспортини ва бортга чиқиш талонини махсус сканердан ўтказишади. Шундан сўнг самолётга чиқиш йўлакчаси томон юрилади. Бу ерда хавфсизлик ходимлари шахснинг кийим ва танасини текширувдан ўтказишади. Кўп давлатларда бундай текширув божхона кўриги давомида амалга оширилади. Лекин Тошкент аэропортида божхонадан ўтгандан кейин йўловчи яна бир бор текширилади.

**Йўловчи шахс икки хил авиачиптага эга бўлса?**

Агар йўловчи манзилига етгунча иккита чиптадан фойдаланса, масалан, АҚШга учаётган шахс Тошкент – Москва ва Москва – Нью-Йорк йўналишларига алоҳида иккита чипта олган бўлса, аэропортдаги текширув қуйидаги тартибда бўлади.

Дастлаб, йўловчи чипталарни расмийлаштирувчи ходимга фақатгина Тошкент – Москва йўналишидаги авиачиптани кўрсатади. (“Ўзбекистон ҳаво йўллари”нинг бундай чиптаси учун бир донга 20 кг. дан ошмаган юк жамадонини ҳамда 5 кг. гача бўлган қўл юкини бепул олиб кетиш мумкин). Аэропорт ходими паспортнинг муддати ўтмаганлигини, яроқлилигини ва унда ички ишлар идорасининг юмалоқ гербли муҳри борлигини текширади.

Шахснинг исм-фамилияси компьютерга киритилганда, унинг қаерга учиб кетаётгани кўринади. Шундан сўнг юк расмийлаштирилиб, Тошкент – Москва йўналиши бўйича самолётга чиқиш талони (посадочный талон)



чиқариб берилади. Аэропорт ходими йўловчидан Москвадаги бораётган манзилни тўлиқ ёзиб беришини сўраши мумкин.

Алоҳида-алоҳида олинган иккита чипта билан АҚШга учаётган йўловчи Москва шаҳрига кўнрақ, ташқарига етакловчи йўлак бўйлаб терминалдан чиқади. Сўнг зудлик билан ортига қайтиб, шу терминалдан Москва – Нью-Йорк йўналишидаги авиачипта билан қайтадан рўйхатдан ўтади. Чиқиш талони (посадочный талон) расмийлаштирилади, шахснинг паспорти, АҚШ визаси ёки грин картага эга экани текширилади. Бу ерда йўловчи ёнидаги иккинчи паспортини, яъни АҚШ фуқаролик паспортини

кўрсатиши ҳам мумкин. Россия иммиграция ходимлари ўзбекистонлик йўловчиларнинг нечта паспортга эга эканлигини текширмайди. Лекин Нью-Йоркка учаётгани учун АҚШга кириш ҳуқуқини берувчи ҳужжат (виза, грин карта ёки фуқаролик паспорти) талаб қилишади.

Бу ерда ҳам йўловчи 2 та ҳар бири 23 кг. дан бўлган юкларини бепул расмийлаштириши мумкин (Океанортига учувчи барча авиакомпанияларда 23 кг. дан иккитагача сумка олиб кетиш мумкин). Юклар ва чипта расмийлаштирилгач, Россия божхонаси кўригидан ўтилади ва самолётга чиқилади.

Отабек ҲАСАН тайёрлади.

**СКОРАЯ ЮРИДИЧЕСКАЯ ПОМОЩЬ!**

Law Office of  
**Игорь Ниман**

**АРЕСТОВАНЫ**  
В НЬЮ-ЙОРКЕ ИЛИ НЬЮ-ДЖЕРСИ?

**ЗВОНИТЕ КРУГЛОСУТОЧНО 718-382-1689**

Лицензии верховных судов штатов Нью-Йорк и Нью-Джерси, а также федеральных судов восточных и южных округов Нью-Йорка и округа Нью-Джерси

- ПРОДАЖА И ХРАНЕНИЕ НАРКОТИКОВ
- ДЕТСКАЯ ПОРНОГРАФИЯ
- МОШЕННИЧЕСТВО С ЦЕННЫМИ БУМАГАМИ
- ПРЕСТУПЛЕНИЕ НА СЕМЕЙНОЙ ПОЧВЕ
- ЕЗДА В НЕТРЕЗВОМ СОСТОЯНИИ (DUI)
- НЕЗАКОННОЕ НОШЕНИЕ ОРУЖИЯ



**ЗАЩИТА В FAMILY COURT**

Law Office OF IGOR NIMAN, ESQ

**БЕСПЛАТНАЯ КОНСУЛЬТАЦИЯ**  
**718-382-1689**

1909 EAST 17 STR (УГОЛ AVE S), BROOKLYN, NY 11229

# Нью-Йоркда Наврўз тантанаси



“Vatandosh” Ўзбек-Америка жамияти Нью-Йорк шаҳрида Наврўз байрамини нишонлади. 21 март куни “Orion Palace” ресторанида бўлиб ўтган тантанادا 500 га яқин ватандошимиз иштирок этди.

Ўзбекистонлик санъаткорлар куй-қўшиқлари билан, гўзал раққосалар эса хиром айлаб даврани беади. Дастурхонга ҳалим, сумалак, ҳолвайтар, палов каби ўзбек миллий таомлари тортиқ қилинди.

Тадбирда Нью-Йорк штати Ассамблеясининг 45-туман бўйича вакили Стивен Кимбрович иш-

тирок этиб, Ўзбекистон халқини, жумладан, АҚШда истиқомат қилаётган ватандошларимизни Наврўз байрами билан табриклади.

Ўзбекистоннинг АҚШдаги элчиси ўринбосари Фурқат Сиддиқов йиғилганларни байрам билан табри-

хайрли ишларни олқишлашини таъкидлади.

Нью-Йорк Бош консулхонаси консул ёрдамчиси Салоҳиддин Сиддиқов “Vatandosh” жамияти ишларига кўнгилли сифатида намунали ёрдам кўрсатгани учун инглиз тили ўқитувчилари билан таъминлаган “Living Way” ташкилотини ҳамда “Vatandosh” жамияти фаоллари Ҳикмат Султон, Мансур Жумаев ва Шохрух Кенжаевни махсус Ташаккурнома билан тақдирлади.

“Ватандош” жамияти ушбу ката байрам дастурининг чиройли тарзда ўтишига ҳисса қўшган барчага, хусусан, жамият ҳомийларига ўз миннатдорлигини билдиради.

«Vatandosh»



## Чикагода Наврўз нишонланди

Чикагодаги Ўзбек-Америка жамияти, ҳар йилги анъанага мувофиқ, бу йил ҳам Наврўз байрамини катта тантана билан кутиб олди.



Турк-Америка жамияти биносида ўтган байрам кечасида 200 дан ортиқ ватандошимиз иштирок этиб, ўзбекона дастурхон атрофида дилдан суҳбат қуриш имконига эга бўлди.

Кечани кириш сўзи билан очган Чикаго Ўзбек-Америка ассоциацияси президенти Олимжон Шарипов барча ватандошларни Наврўз билан та-

бриклади. Бошқа бир қатор меҳмон ва мезбонлар ҳам сахнага чиқиб, йиғилганларни байрам билан муборакбод этиш имконига эга бўлди. Тадбирда, шунингдек, турк, қирғиз, туркман ва бошқа қардош халқлар вакиллари ҳам қатнашди. Улар йиғилганларга ўзбек тилида Наврўз табриги йўллади.



Кечада махсус кўнгилочар концерт дастури уюштирилди. Унда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Самандар Ҳамроқулов бошчилигидаги ўзбекистонлик санъаткорлар гуруҳи, шунингдек, ўзбек жамияти ёш ўғил-қизлари ижосида қатор қўшиқлар ва куй-муסיқалар янгради.

Дастурхонга сумалак, палов каби миллий таомлар тортиқ қилинди. Байрам давраси ўйин-кулги ва самимий сўз айтишувларига ҳам гувоҳ бўлди. Айниқса, ўзбек рақсининг америкалик раққосалар томонидан ижро этилиши йиғилганларда алоҳида таассурот қолдирди.



Маданият – миллатнинг барометри. Миллатнинг маданий савияси қандай ўлчанади? Қандай шахс ёки жамоани маданий деб аташ мумкин-у, қай бирини маданий қашшоқ ёки маданиятсиз дейиш тўғри?

Кучли миллат ва давлат кучли маданият эгалари тарафидангина курилади, бу ҳеч кимга сир эмас. Ўзбекистонни дунё айвонида кучли давлат, миллатлараро ўз ўрни ва ҳурматига эга миллат сифатида кўриш ҳар биримизнинг қалбий орзуимиздир.

Кейинги гапларим кўнглингизга қаттиқ ботса, узримни олдиндан изҳор қилай.

Бугун Бруклиннинг Брайтон кўчасида икки-уч дўконни зиёрат қилар эканман, деярли ҳар бир чорраҳада рус тилидаги китоб ёки газета дўконларига кўзим тушди. Бу дўконлар рус миллий маданиятнинг тарғиботи учун очилган дўконлар эмас, шунчаки, талаб ва таклифнинг бозордаги оддий акси холос. Рус бозорида китобларга эҳтиёж бор экан, китоб дўконлари кўпайиб бораверади. Эҳтиёжни эса китобхонликни кундалик амалиётга айлантирган шахс ва шахслар жамоаси белгилаб беради.

Брайтонни кичик Тошкент маҳалласига, Дитмасни эса кичик Самарқанд кўчасига айлантирган ўзбекистонликларнинг Нью-Йоркда нега битта бўлса-да кутубхонаси йўқ?! Нега биз Ўзбекистонда чиқаётган янги китоблардан беҳабар қоляпмиз? Бу лоқайдлик, бу эътиборсизлик, бу мужмаллик ўзбек миллатига ярашадими? Бу саволларни ҳамма ўзига бериб кўрсин.

Талаб ва таклиф ҳақида гап кетар экан, диққатингизни бир нуқтага жалб этмоқчиман. Маданият ҳам талаб ва таклиф қоидасига бўйсунди. Бир миллатнинг маънавияти ўзига хос маданият билан озиқланмас экан, ўзга маданиятларнинг ҳамласига доим таъсирчан бўлиб қолаверади. Ички “бозор” миллий ўзлик – ўз миллати,

тили, дунёқараши, урф-одатларига ҳурмат – билан озиқланмас экан, эҳтиёжлар рақобатга кирган кучли миллатларнинг таклифи билан қондирилади. Тарихда маданият экспорт қилган миллатимиз, минг афсуски, бугунги кунда маданиятни фақат импорт қиляпти.

Ўзбекистонликлар зич яшайдиган маҳаллаларда алоҳида кутубхона ташкил этиш ёки ўзбек дўконларининг бурчакларида кутубхона учун жой ажратиш; б) Бруклин шаҳар кутубхоналарида (Brooklyn Public Library) ўзбекча китоблар учун алоҳида жой ажратилишини сўраш; с) ўзбекистонликлар кўпчиликини

ташкил қиладиган мактаблар кутубхоналарида ўзбекча китобларга алоҳида расталар ажратилиши

масаласида таклиф киритиш керак. Мисол учун, Оушн Парквейдаги Абрахам Линколн мактабида 150 га яқин ўзбекистонлик ўқийди. Улар билан ўтказилган инглизча сўзлар аралашмасидан иборат суҳбатимизда ўзбекча китобларга эҳтиёжнинг қанчалик катта эканини ҳис қилдим.

Ватандош ёшларимизни бошқа миллат кадрларига ем қилишга маънавий ҳаққимиз йўқ!

Учинчидан, кутубхона лойиҳаси учун ватандошларимиз орасида маблағ йиғиш, бу ишга кўнглили ака-ука, опа-сингилларимизни жалб этишимиз керак. Кейинги навбатда Ўзбекистондан олиб келиниши лозим бўлган китобларнинг рўйхати тузилади. Китобларни олиб келиш жараёнида консулхона ва элчихонадаги вакилларимиз ёрдамидан фойдаланишимиз мумкин.

Биз ўзбекистонликлар Америкага сингиб кетиш учун эмас, ўз миллий кадрларимизга содиқ қолган ҳолда, бу давлатнинг урф-одати, қонунлари ва маданиятини ҳурмат қилиб яшашга, яъни интеграция қилишга келдик.

Қадрили ватандошим! Ушбу лойиҳани ўзингиз ва оилангиз, қолаверса, ватандошларимиз учун муҳим деб билсангиз, бу хайрли ишда сизнинг ҳиссангизни кутиб қоламиз. Батафсил маълумот учун [info@vatandosh.org](mailto:info@vatandosh.org) орқали ёки 212-372-3050 телефон рақамига мурожаат этишингиз мумкин.

**Фарҳод СУЛТОН,**  
«Vatandosh» Ўзбек-Америка  
жамияти раиси

## Китоб ўқиймизми?



### Нима қилиш керак?

Бруклинда яшовчи ватандошларимиз мисолида қуйидаги уч қадамни ташлаш зарур деб ҳисоблайман:

Биринчидан, Нью-Йоркдаги ўзбек жамоаси орасида маданий тарғибот ишларини аниқ режалар билан амалга ошириш керак. Турли маданий йиғинлар, концерт, дала сайллари каби тадбирларда нафақат моддий муаммоларимиз ҳақида, балки маънавий камчиликларимиз ва уларнинг ечими тўғрисида ҳам тарғибот ишларини олиб боришимиз даркор. Китобхонлик савиясини кўтариш муҳокама қилинадиган мавзулардан бири бўлиши керак.

Иккинчидан, ватандошларимиз ёрдамида Бруклинда а)

### Иммиграция масалалари бўйича давра суҳбати ўтказилди

«Vatandosh» Ўзбек-Америка федерацияси дастуридан келиб чиққан ҳолда 2014 йил 29 март куни Федерация қошидаги Соғломлаштириш ва



маданият марказида ташкил қилинган навбатдаги давра суҳбати жуда ҳам қизиқарли тарзда бўлиб ўтди.

Американинг Нью-Йорк шаҳрида истиқомат қилувчи 60 дан ортиқ ватандошимиз иштирок этган тадбирни Марказ раҳбари Фароғат Зокирова очиб берди ҳамда Марказ фаолияти билан йиғилиш қатнашчиларини таъинлаштирди.

Тадбирнинг биринчи қисмида “Америка мактабларида таҳсил олаётган фарзандларимиз муаммолари ва ютуқлари” мавзуида иқтидорли ёшларимиздан бўлажак ҳуқуқшунос Шаҳризода Усарова ва спортнинг катта теннис тури бўйича юқори мактаб ўқувчилари ўртасида бир қанча мусобақалар ғолиби Стейтн Айленд коллежи талабаси Нозима Тошпўлатова сўз олишди.

Ота-оналар номидан гапирган, уч фарзанднинг онаси Дилафруз Очилова фарзанд тарбияси борасида ўз тажрибасини қатнашчиларга баён қилди.

Тадбирнинг иккинчи қисмида иммиграция соҳасида фаолият олиб бораётган юртдошимиз, малакали ҳуқуқшунослар Отабек Ҳасан ва Кемал Бобожон йиғилганларнинг иммиграцияга оид саволларига жавоб беришди. Ундан ташқари, қатнашчиларга Америкадаги айрим қонун-қоидалар, фойдали дастурлар ва янги иммигрантлар амалга ошириши лозим бўлган бирламчи ишлар ҳақида тўлиқ маълумот берилди.

Тадбир давомида ёшлар ўртасидаги муаммоларни ечишда ўзбек миллий кадрларини, урф-одат, анаъналари ва кўп йиллик тажрибаларни қўллаган ҳолда иш тутишга доир амалий вазифаларни кучайтириш ҳақида келишиб олинди. Тадбир сўнигида «Vatandosh» Ўзбек-Америка федерацияси кенгаши аъзоси Норхўжа Содиқов мазкур тадбирда нутқ сўзлаган Шаҳризода Усарова, Нозима Тошпўлатова, Дилафруз Очилова ҳамда ҳуқуқшунослар Отабек Ҳасан ва Кемал Бобожонга, бундан ташқари, бошқа барча иштирокчиларга Федерация номидан миннатдорчилик билдирди.

**Дилшод ЗОКИРОВ**

## Ўзбекистонлик ота ўз фарзанди туғилишига доялик қилди

2014 йил 6 апрель куни Нью-Йоркнинг Бруклин шаҳрида маҳаллий вақт билан 15:15 ларда ватандошимиз Шуҳратжон хонадонидан қиз фарзанд дунёга келди. Қизиғи шундаки, чақалоқ туғруқхонада эмас, балки ўз хонадонидан туғилган.

Ой куни яқинлашган Сожидахон шифохонага кетишга тайёргарлик кўраётган пайтда ўз уйида тўлғоқ тутиб, аҳволи оғирлашган. Асл касби ўқитувчилик бўлган, ҳозирда эса Нью-Йорк шаҳрида ҳайдовчилик қилаётган бўлажак ота – Шуҳратжон вазиятга тўғри баҳо берган ҳолда

зудлик билан тез тиббий ёрдамга кўнгирик қилган. Тез тиббий ёрдам ходимлари етиб келгунча дунё юзини кўришга ошиқаётган чақалоқ ўз отасининг ёрдами билан туғилишга улгурган.

Ўзини йўқотмасдан қўлга олган юртдошимиз, шифокорлик соҳасидан анча йироқ бўлишига қарамай, ўз қизининг дунёга келишида доялик вазифасини ўтаб қўя қолган. Бу орада етиб келган шифокорлар она ва янги туғилган чақалоқни шифохонага элтишган.



Бруклиндаги Маймонадез шифохонасига жойлаштирилган она ва қизалоқнинг соғлиғи аъло даражада экани айтилмоқда. Фурсатдан фойдаланиб, жамоамиз номидан ушбу оилани янги меҳмон билан табриклаймиз. Шу билан бирга, кўрқмас ва мард Шуҳратжондек ота дояларнинг қўли дард кўрмасин, деб қоламиз.

**Дилшод ЗОКИРОВ**

# Ўзблоггерлар чемпионати тақдимотидан тафсилотлар

12 апрель куни Тошкент шаҳрида жойлашган “UZINFOCOM” компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш ва жорий этиш марказида ЎзБлоггерлар ўртасида илк мартаба ўтказилган чемпионат ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Бу ҳақда Жамшид Машраповнинг пости, “ДОИМ ОНЛАЙН” сайтидаги “Блоггерлар чемпионати тақдирлов маросими ҳақида. Ўзимча талқин.....” блогпости ва matrix-uz.com сайтидаги “Uzbloggerlar чемпионати ғолиблари тақдирландилар” номли мақоласида батафсил хабар берилди.



Бир ярим соатдан ортиқ давом этган тақдирлаш маросимида 30 га яқин киши: блоггерлардан Мухрим Аъзамхўжаев, Диёр Имомхўжаев, Аброр Қодиров, Санжар Рустамов, Жамшид Холиқулов, Муҳаммад

кузатувчи Жамшид Машраповлар чемпионатда эришилган ютуқлар ҳамда йўл қўйилган камчиликлар борасидаги ўз фикр-мулоҳазаларини йиғилганлар билан баҳам кўришди. Бу ҳақда Жамшид Машрапов батафсил маълумот беради.

Жумладан, маросимда иштирок этган ҳакамлар раиси Тўлқин Юсупов ўз нутқида “Facebook” да чемпионатни ташкил этиш гояси ўртага

қилмоқдамиз. Ҳар бир блоггер сайтида оддий саволлар асосида рўйхатдан ўтади ва бу сайт автоматик тарзда ўз-ўзини янгилаб борадики, уни биров бошқаришига муҳтож бўлмайди. Сайт Твиттер ижтимоий тармоғи кўринишида блогпостлар кетма-кет жойлашади. Баҳолаш тизими эса КиноПоиск сайтидаги каби бўлади. Сайтида баҳолаш тизими 3 бўлимдан (ҳакамлар баҳоси, блоггерларнинг бир-бирига қўйган баҳоси, мухлислар баҳоси) иборат бўлади ва сайт автоматик равишда балларни, блоггерлар рейтингини эълон қилиб боради”.

**P.S.** Ростдан бу фикр амалда ўз исботини топса, ўйлайманки, блоггерлар ва мухлислар ўртасида ҳеч қандай туншунмовчиликлар юзага келмайди, ортиқча саволларга ўрин қолмайди.

Маросим эгаллаган Шермухаммад

ҳомийлар тарафидан ҳар бир ғолибга “Славянка” савдо белгиси туширилган футболка ва бошқа қимматбаҳо совғалар тақдим этилди.

**P.P.S.** Тақдирлаш маросими одатий тадбирлардан фарқли ўлароқ сунъийликдан холи, ўта самимий тарзда бўлиб ўтди.


Энг ҳаяжонлиси, йиллар давомида ижоди, фикрлари билан ғойибона танишиб келаётган инсонларнинг билан юзма-юз кўришиб туриш эди.

Маросимда баъзи блоггерларнинг имловий хатоларга йўл қўяётгани танқид остига олинди. Бу борада мен ҳам ўз фикрларимни билдирмоқчи эдим:

Блоггерлик фуқаролик журналистикаси ҳисобланиб, бу бизда ҳали “гўдак” соҳа. Мен блоггерларнинг хатоликларга йўл қўйишини оқламайман асло. Лекин бу аста-секин блоггернинг ўзи томонидан тузатилиб боришига ишончим комил. Масалан, ўзим ҳам ёзишни мақоладан эмас, айнан блогпостлардан бошлагандим. Блоггимдаги дастлабки блогпостларимдан кулгим келади ҳозир. Уларни блогпост деб бўлса

агар. Хатолари кўп: ўта қисқа, кенг қамровли эмас, масалага бир томонлама ёндашилган. Бу камчиликларимни блогпост ёзганим сари англаб етиш борасида, ўз устимда ишлай бошладим: ҳажман кенгайтиришни, масалага ҳолисона ёндашишни, турли ракурсдан қарашни ўргана бошладим. Ҳозирда ҳам камчиликларим устида ишлашга ҳаракат қиламан. Айтмоқчиманки, блог – ўз-ўзимни тарбиялашни ўргатади, камчиликларимга ойна тутати. Бу жараёни барча блоггерлар босиб ўтади ва хатолар аста-секин “даво” топиб боради.

**Гулрухсор ХУДАЙБЕРДИЕВА,**  
gulruksor.blogspot.com



Чемпионат ташкилотчиси Хушнуд Худайбердиев ғолибларни таништирмоқда.

Мадраҳимов, Динара Дўлтаева, Соҳиба Ҳайитбоева ва камина Гулрухсор Худайбердиева; ташкилотчи Хушнудбек Худайбердиев; ҳакамлар раиси Тўлқин Юсупов; ҳомийлардан – Muloqot ижтимоий тармоғи ва Daگو интернет-нашрининг раҳбари Фарҳод Файзуллаев, Азизхон Алижонов; “UZINFOCOM” маркази ходимларидан Талиб Мирзақулов, Евгений Скляревский, Диля Ҳасанова, Зумрад Шажалилова; кузатувчилардан Тўйчи Рўзиев, Жамшид Машрапов, Бекзод Хўжаназаров ва бошқалар иштирок этишди.

Иккинчи ўрин совриндори Иноятхон Содиқова хорижда бўлганликлари сабабли, ўринларига волидаи муҳтарамалари ҳамда холалари иштирок этиб, дуолари, ўз фикр-мулоҳазалари ила даврага файз кiritиб турдилар.

Тақдирлаш маросимини олиб брган чемпионат ташкилотчиси Хушнудбек Худайбердиевнинг ҳазил-мутуйибалари маросимга кўтаринки руҳ, йиғилганларга энгил табассум ҳадя этди.

Сўзга чиққан “UZINFOCOM” маркази ходимлари - Диля Ҳасанова, Талиб Мирзақулов, Евгений Скляревский; блоггер-журналистлар - Динара Дўлтаева, Соҳиба Ҳайитбоева ва Диёр Имомхўжаев, журналист Тўйчи Рўзиев, ҳомий Азизхон Алихонов,



1-ўрин соҳиби Мухрим Аъзамхўжаев (ўнгда) совғаларни қабул қилиб олмоқда.

ташланганида биринчи бўлиб ҳакам бўлиш истагини билдирганлиги, ЎзНетдаги фаолияти давомида “.uz” домени фестивалларида ҳакам бўлиб қатнашгани, ҳар йили 700-800 га яқин сайтларни баҳолаб келаётгани, шунингдек, ўзбек сайтларини ривожланиши тарафдори экани, бу лойиҳа ўзбек блоггерларини кўпайтириш ва уларнинг ишини ривожлантиришда муҳим ўрин тутишини ва кўлидан келганча ҳамма ёрдамларни беришини айтди. Бундан ташқари, блогпостларни баҳолаш тизимида қай жиҳатларни ҳисобга олганлиги ҳақида ҳам гапириб ўтди.

Маросимда, шунингдек, йиғилганларни чемпионатнинг келгусидаги режалари билан таништирилди. Чемпионат ташкилотчиси Хушнудбек Худайбердиевнинг сўзларига кўра, “Яқин келажакда Ўзблоггерлар сайтини ишга туширишни режа



3-ўрин АҚШда истиқомат қилувчи Иноят Хонга насиб қилди. Маросимда ўзи қатнаша олмагани учун совға оналари Хадича аяга топширилди.

Абдуғофуров (афсуски, маросимда иштирок эта олмадилар) 150 минг сўм ва 16 GB ҳажмли флешка билан, 2-ўринни олган Иноятхон Содиқова 200 минг сўм, “Sony Reader e-Ink technology” электрон китобларни ўқиш қурилмаси (BookReader) ва 8 GB ҳажмли флешка билан, 1-ўринни эгаллаган Мухрим Аъзамхўжаев 1 миллион сўм пул мукофоти, бир йилга бепул домен ҳамда 500 mb хостинг билан тақдирландилар. Ҳамда

курслардан қарашни ўргана бошладим. Ҳозирда ҳам камчиликларим устида ишлашга ҳаракат қиламан. Айтмоқчиманки, блог – ўз-ўзимни тарбиялашни ўргатади, камчиликларимга ойна тутати. Бу жараёни барча блоггерлар босиб ўтади ва хатолар аста-секин “даво” топиб боради.

# Financial Aid Available

(FOR THOSE WHO QUALIFY)

## Job Placement Assistance

- Comprehensive Accounting (Excel, QuickBooks, Peachtree)
- ESL (English As a Second Language)
- Medical Office Specialist (EKG, Phlebotomy, Medical Billing)

**The National Certification Exam is offered after completing the Medical Office Specialist program:**



Patient Care Technician  
 Phlebotomy Technician  
 EKG Technician  
 Clinical Medical Assistant  
 Medical Administrative Assistant  
 Medical Laboratory Assistant  
 Medical Billers/Coders



Accredited by Council for Independent Colleges and Schools (ACICS). Licensed by the New York State Education Department

**MANHATTAN SCHOOL OF COMPUTER TECHNOLOGY**

**ADDRESS: 931 Coney Island Avenue, Brooklyn, NY 11230**

(Between Ditmas and Newkirk Ave)

**DIRECTIONS:** Train **B, Q** to Newkirk Ave or Bus **B8, B68** to Coney Island Ave and Newkirk Ave

**CALL:**

**(718) 360-1534**



**NYS CAS**

A Division of  
TOURO COLLEGE

## College with a personal touch

### ASSOCIATE'S AND BACHELOR'S DEGREES

- Business Management and Administration • Information Technology • Human Services
- Psychology • Education • Biology • Social Sciences • Paralegal Studies
- Digital Multimedia Design • Liberal Arts and Sciences • and more

### INTEGRATED HONORS TRACKS

Undergraduate/Osteopathic Medicine  
Undergraduate/Pharmacy

### OTHER PROFESSIONAL OPPORTUNITIES

• Pre-Law • Pre-Medical • Pre-Dental

### INFORMATION SESSIONS:

Manhattan: 27-33 West 23rd Street, Admissions Office  
Wednesdays, 12 noon-5 pm

Brooklyn: 1870 Stillwell Avenue, Admissions Office  
Wednesdays, 11 am-7 pm

[www.touro.edu/nyscas](http://www.touro.edu/nyscas)

- Zamonaviy kompyuter laboratoriyalar
- Ingliz tili kurslari
- Kunduzgi va kechki darslar
- Xalqaro talabalarni qabul qilamiz
- Moliyaviy yordam
- Transfer students welcome!



scan here

**BROOKLYN:** 718.265.6534 x1002

Bensonhurst, Brighton Beach, Flatbush,  
Kings Highway, Starrett City

**MANHATTAN:** 212.463.0400 x5500

**QUEENS:** 718.520.5107 x102 Forest Hills

### Hurmatli do'stlar!

Agar siz Amerikada o'qib, diplom olmoqchi bo'lsangiz va buning uchun sizda **ingliz tili va matematikada** yetarli bilim bo'lmasa, hech xavotir olmang, biz sizga albatta yordam beramiz.

**Touro College** tayyorlov kurslari joriy qildi. Unda siz o'qishga kirish uchun yetarli ma'lumotni olib, orzuingizga erishishingiz mumkin.

Darslar qulaylik uchun kechki soatga mo'ljallangan. Vaqtni yo'qotmang.

Quyidagi telefon orqali bizga qo'ng'iroq qiling. 718.336.6471 x30119 Kristina

**New York School of Career and Applied Studies**

Touro College is an equal opportunity institution

# ADVERTISE WITH US

Call Us Now!



212-372-3050

## “Vatandosh”га обуна бўлинг!

Газетамиз ҳар ой хонадонингиз меҳмони бўлсин.

Обуна бўлиш йўллари:

Сайт орқали: [www.vatandosh.uz/obuna](http://www.vatandosh.uz/obuna) | Телефон: 212-372-3050

\*Обуна дунёнинг барча давлатлари учун очиқ.



## “Vatandosh” газетасини Нью-Йоркнинг қуйидаги манзилларидан бепул олишингиз мумкин

### BROOKLYN

1901 Emmons Ave (Cherry Hill)  
203 Brighton Beach Ave (Pharmacy)  
252 Brighton Beach Ave (Pharmacy)  
277 Brighton Beach Ave (Pharmacy)  
274 Brighton Beach Ave (Pharmacy)  
424 Brighton Beach Ave (L&S Pharmacy)  
511 Brighton Beach Ave (Pharmacy)  
602 Brighton Beach Ave (Apteka)  
1129 Brighton Beach Ave (Seabreeze Pharmacy)  
608 Sheepshead Bay (Net Cost Market)  
191 Neptune Ave (Lemborg Pharmacy)  
373 Neptune Ave (S&K Pharmacy)  
2910 Brighton 8 St (Discount Phone Cards)  
2914 Coney Island Ave (Produktovaya Baza )  
1324 Sheepshead Bay Rd (Monica Pharmacy)  
2610 E 14 St (European Delikatessen)  
2651 E 14 St (Dialise Center)  
2617 E 16 St (Z Drugs)  
1627 Jerome Ave (Friendly Food)  
1653 Sheepshead Bay Rd (Pharmacy)  
2570 E 17 St (Pharmacy)  
2807 Ocean Ave (Fast Pharmacy)  
2749 Ocean Ave (Golden Fish)  
1917 Ocean Ave (Medical Office)  
1929 Kings Hwy (Ocean Pharmacy)  
1909 Kings Hwy (Pharmacy)  
1811 Kings Hwy (Pharmacy)  
1425 Kings Hwy (Pharmacy)  
1416 Kings Hwy (Sankt Peterburg)

1671 E 13 St (Pharmacy)  
445 Kings Hwy 2nd Floor (Dr. Shulman)  
1141 Brighton Beach Ave (Café Kashkar)  
287 Brighton Beach Avenue (Vintage Food Corp)  
301 Brighton Beach Avenue (Brighton Fabrics & Variety)  
3144 Atlantic Ave (Mobilia Furniture And Carpet)  
2689 Coney Island Ave (Oasis Café)  
35 Neptune Ave (1001 Nights Restaurant)  
414 Ditmas Ave (Afsona Restaurant)  
2487 Coney Island Ave (Living Way School)  
1053 Brighton Beach Ave (Fuat Hair Salon)  
837 Ave Z (Fast Professional Taxes)  
407 Ditmas Ave (Madina R Inc)  
2818 Coney Island Ave (Nargis Café)  
141 Neptune Ave (Atlantic Export)  
5911 8th Ave (United American Muslim Association)  
1901 Emmons Ave (Masal Café)  
3911 13th Ave (Uzbekistan Restaurant)  
21 Church Ave (Masjid Nurul Islam)  
922 Pennsylvania Ave  
1120 Flatland Ave  
945 E108th St  
915 E107th St  
2126 Knapp St  
3031 Ave V  
3495 Nostrand Ave  
3610 Nostrand Ave  
87 West End St (Apteka)  
122 West End St (Medical Office)  
3065 Brighton 14th St (Optical)  
124 Brighton 11th St (Apteka)

1630 E15th St (Medical Office)  
1841 Coney Island Ave (Apteka)  
533 E 7th St (Apteka)  
511 Cortleouy Rd (Apteka)  
4125 18th Ave (Apteka)  
128 Ditmas Ave (Apteka)  
531 Church Ave (Apteka)  
4514 F. Hamilton Ave (Apteka)  
2315 65th St (Apteka)  
1930 Ave M (Apteka)  
201 Kings Highway (Medical Office)  
2046 Bath Ave (Apteka)  
9517 Ave J (Medical Office)  
2269 Ocean Ave (Medical Office)  
1401 Ave U (Apteka)  
1301 Ave U (Apteka)  
3093 Ocean Ave (Day Care)  
2753 Coney Island Ave (Medical Office)  
6202 16th Ave (Day Care)  
7819 18th Ave (Medical Office)  
9407 5th Ave (Apteka)  
6324 4th Ave (Apteka)  
615 Ave C (Day Care)  
1100 Coney Island Ave (Apteka)  
1403 Foster Ave (Apteka)  
500 Foster Ave (Store)

### QUEENS

35-62 76 (Fantasiya Food)  
44-14 Kissena Blvd (Kaspiy)  
138-03 Queens Blvd (Beriozka)  
120-08 Queens Blvd (Tom's Newsstand)  
103-27 Queens Blvd (Kosher Palace)  
102-03 Queens Blvd (Beriozka 2)  
97-15 Queens Blvd (Howard News)  
62-22 Woodhaven Blvd (Pharmacy Pivn W per)  
91-06 63 Dr (Ural W)  
93-07 63 Dr (Olgar)  
94-09 63 Dr (Moskva)  
97-28 63 Dr (Tadjikistan)  
98-51 63 Dr (Albert Station)  
63-24 99 St (Eden)  
65-47 99 St (Kosher Store)  
99-08 63 Rd (Micheal Inter Deli)  
63-46 108 St (Gastronom)  
64-16 108 St (M and M International)  
64-51 108 St (Berezka 1)  
63-29 108 St (Candy Land)  
96-22 Queens Blvd (Rego Park Minimarket)  
81-52 Lefferts Blvd (Romashka)  
118-29 Metropolitan Ave (Russian Store)

### MANHATTAN

6th Ave and 47th St (Grocery Store)  
3th Ave and 34th St (Grocery Store)

## Америка демократияни “хавfli ғоя”га айланттирдими?

Бугун Америкалик сиёсатчилар томонидан демократик қадриятлар ҳақида айтилаётган ҳар қандай гап ёки турли маърузаларга америкаликлардан бошқа халқлар у даражада ишонмай қўйди, десак муболаға қилмаган бўламиз. Бунга, албатта, ривожланаётган мамлакатларда америкача демократияга, унинг асл баъзасини очиб ташлашга қаратилган кенг миқёсли тарғибот кампаниялари сабаб бўлса-да, иккинчидан, АҚШ ҳукуматининг сўнгги йилларда амалга ошираётган ташқи сиёсати ҳам унинг юзини шувут қилмоқда.

Улардан бири, шубҳасиз, Америка миллий хавфсизлик агентлиги томонидан ишлаб чиқилган «PRISM» дастури ва бу ҳақдаги маълумотларнинг Эдвард Сноуден томонидан омма эътиборига ҳавола этилишидир. Ушбу воқеалар натижасида халқаро ҳамжамият интернет бошқаруви бўйича АҚШ гегемонлигига барҳам бериш устида бош қотира бошлади.

Яқинда АҚШ Давлат департаментининг «USAID» агентлиги Куба учун мўлжалланган ижтимоий тармоқни ташкил этишга доир лойиҳани молиялаштиргани ҳақидаги маълумотлар жамоатчиликка маълум бўлди.

Икки йилдан кўпроқ муддат давомида иш олиб борган «ZunZuneo» ижтимоий тармоғи твиттерга ўхшаган функцияга эга бўлиб, ушбу лойиҳа Куба ҳукумати томонидан жорий қилинган интернет назоратини содда ижтимоий тармоқ платформаси билан



айланиб ўтиши керак бўлган.

Эътиборли жиҳати, АҚШ Давлат департаменти ушбу лойиҳани амалга ошириш учун шундай “ақлли” йўлни тутганки, аввало, ижтимоий тармоқ кубалик ёшлар томонидан йўлга қўйилган. «ZunZuneo» фойдаланувчилари бу тармоқ ортида америкаликлар турганидан, уларнинг шахсий маълумотлари бир кун келиб сиёсий мақсадларда ишлатилиши мумкинлигидан бехабар бўлишган эди.

АҚШ ҳукумати обуначиларга асосланган ҳамда “баҳсли мазмун”га эга бўлмаган, яъни футбол, мусиқа, тўфонлар ҳақида янгилликлар қолдирадиган, хат-хабарлар юборадиган ижтимоий тармоқ яратилиши мақсад қилган. Аслида эса лойиҳа доирасида фойдаланувчиларнинг хабарлари, бошқа демографик маълумотлари, шу жумладан, жинси, ёши, “мойиллиги”, “сиёсий қарашлари” таҳлил қилиб

борилган.

АҚШ Давлат департаменти маълумотларига кўра, мазкур дастурни молиялаштириш 2012 йилда тўхтатилган. Унга тахминан 1,5 миллион доллар атрофида маблағ сарфланган. Унда энг кўп 40 минггача фойдаланувчи рўйхатдан ўтган.

«AP» ахборот агентлигининг ёзишича, мазкур хизмат ёшлар орасида намойишлар ўтказишни ҳам ният қилган. Аслида АҚШ ҳукумати ҳозирги кунда ушбу дастур кубаликлар учун интернетдан фойдаланиш эканлигини айтган бўлса-да, улар АҚШнинг ушбу лойиҳага аралашганини кўрсатмаслик учун маблағни Испания ва Кайман ороллари орқали йўналтирган. Лойиҳа ижрочилари ҳам ушбу дастур АҚШ ҳукумати томонидан молиялаштириладиганидан бехабар бўлган. Сўнгги маълумотларга кўра, АҚШ давлат департаменти экспертлари ушбу тармоққа турли сиёсий хабарларни ҳам юбориб турган.

Демократия инсоният томонидан эришилган энг қулай бошқарув модели бўлиб, дунёга ўзининг демократияси билан бонг урадиган АҚШнинг бундай саъй-ҳаракатлари халқаро

ҳамжамият, айниқса, демократияга ўтиш даврида бўлган давлатларда айна пайтда демократиянинг ёмонотлиқ қилинишига йўл очмоқда. Чунки шундоқ ҳам ўз ҳокимиятини сақлаб қолиш учун ҳамма нарсага тайёр бўлган давлатлар Америка томонидан турли технологияларнинг ишлатилаётганини катта таҳдид сифатида кўрмоқда. Ва уларнинг хавотирлари ўринли. Чунки “араб баҳори”, Украинадаги воқеалар шуни кўрсатдики, бу умуммиллий ҳаракатлар ташқи кучлар аралашувисиз бўлгани йўқ.

Айнан мана шундай шубҳаланиш ҳам бошқа давлатлар томонидан интернетни имкон қадар қаттиқроқ назорат қилиш, нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини мунтазам текшириб бориш, халқаро грантлар олаётган ёшларни кузатувга олишга мажбур бўлмоқда. Чунки бу давлатлар ҳеч қайси “беғараз” ва “бепул” тадбирлар, ҳомийлик ёрдамларига ишонмайди, уларнинг наздида, “бир балоси бўлмаса, шудгорда куйруқ на қилур”.

Шунинг учун ҳам ривожланаётган мамлакатлар учун демократия деганда Америка таҳдиди, тартибсизликлар, бошбошдоқликлар тасаввурга келаверади. Бунга эса юқорида айтилганидек, турли дастур ва лойиҳалар сабабчи бўлиб қолаверади. Энг ачинарлиси, демократияга қарши бўлганлар сафининг кенгайишига олиб келмоқда.

Мурод ҒОҒУРОВ

Украинанинг жанубий ва шарқий ҳудудларида юз бераётган воқеалар бугунги кунда ўзининг кульминация нуқтасига етди, десак муболаға бўлмайди. Негаки, давлат раҳбари, ўрисча айтганда, и.о президент Турчинов ушбу ҳудудлардаги “сепаратист ва террорист”ларга қарши махфий бўлган ҳарбий амалиётни амалга оширишга киришди.

Гарчи шу кунларда жиддий тўқнашувлар кузатилмаётган бўлса-да, армия ва миллий гвардиянинг ўз мақсад-муддасини амалга ошириши эҳтимоли жуда қийинга ўхшаб кўринмоқда. Негаки, “сепаратист ва террорист” ёки ғарб матбуоти таърифича, “қуролли тўдалар ёки қароқчилар” билан бирга, Россия оммавий ахборот воситалари қайд этаётган “федерализация тарафдорлари”, “кўнгилли лашкарлар”, “ўзини ўзи мудофаа қилиш отрядлари” билан Майдондаги намойишлар боис ҳокимиятга келганларга қарши бўлган тинч аҳоли вакиллари ҳам йўқ эмас. Шунинг учун ҳар қандай провокация охириқибат вазиятни ўнглаб бўлмас даражага етказиши

турган гап.

Вазият танг бўлиб турган бир пайтда Женевада Украинадаги инқирозни тинч йўл билан ҳал қилишга қаратилган дипломатик музокаралар бўлиб ўтмоқда. Шуни тахмин қилиш мумкинки, ҳозирча бу учрашув шу музокара бўлишидан ташқари ҳеч қандай сезиларли натижа бермаслиги турган гап.

Бизнингча, Украинанинг шарқий ва жанубий ҳудудларидаги вазиятнинг танг бўлиб туришидан Россиядан бошқа ҳеч ким фойда кўрмайди. Негаки, ушбу ҳудудларда уруш ва бошқа беқарорлик фақатгина Россиянинг фойдасига ўйнаши мумкин. Албатта, Россия ушбу ҳудудларга қўшин киритиши эҳтимоли жуда паст. Путин Украинанинг бошқа ҳудудларини босиб олиш ёки уларга қўшимча эркинликлар бериш учун ҳарбий куч ишлатишга жазм қилмаслиги мумкин. Путин қахрамон бўлишни яхши кўрадиган сиёсатчилардан. У нафақат россияликлар томонидан, балки халқаро миқёсда тан олинисини истайди. Шунинг учун ҳам Украинанинг автоном ёки

бошқа мақомга эга бўлмаган ҳудудларига тажовуз қилиши (ҳар қандай иддао билан) эҳтимолдан жуда йироқ. Бу, албатта, бизнинг фикримиз.

Аммо Путин ушбу ҳудудларда беқарорлик сақлаб қолинишидан манфаатдор бўлгани учун Ғарб ва халқаро ҳамжамиятнинг эътиборини этник ўрислар ва рус тилида сўзлашувчи аҳоли манфаатларини ҳимоя қилишга қаратишда давом этади, Ғарб мамлакатларини икки хил стандартда иш олиб бораётгани учун уларни танқид қилаверади. Балки кўринар ва кўринмас йўллар билан “федерализация тарафдорлари”, “кўнгилли лашкарлар”, “ўзини ўзи мудофаа қилиш отрядлари”ни моддий, маънавий қўллаб-қувватлаши ҳам мумкин. Чунки бу саъй-ҳаракатларнинг барчаси халқаро ҳамжамиятнинг, хусусан, Украинанинг эътиборини чалғитишга қаратилгандир. Яъни Ғарб ва Украина шарқий ва жанубий ҳудудлардаги вазият тизгинини қўлга олишга овора бўлиб турганда, Путин Қримни тўлиқ Россия таркибига айланттириб олади. Албатта, референдумдан сўнг Қрим Россиянинг таркибига айланди. Аммо Путин Украина ва Ғарб нигоҳи бошқа жойда бўлиб турган бир шароитда Қримнинг барча телекоммуникация, коммунал инфратузилмасини Россия билан боғлаб олади. Қрим нафақат қоғозда, балки “жисмонан” Россиянинг таркибий қисмига айланади. Энг муҳими, Қримни Украина бўйича олиб борилаётган музокараларда иккинчи даражали масалага айланттириб олади. Ҳарқалай, Турчинов ва унинг ҳаммаслакларини “Қрим қўлдан кетиб бўлди, шарқий ҳудудларни сақлаб қолайлик”, дейишга мажбур бўлади.

Шу маънода айтганда, (но)расмий Киев хоҳласа ҳам, намойишлар тўхтаб қолганда ҳам шарқий ҳудудлардаги танглик ҳали бери тинчимаса керак. Чунки бунинг учун Россияда сиёсий хоҳиш, Украинада эса вазиятни тартибга соладиган том маънодаги “давлат” йўқ.

Мурод ҒОҒУРОВ



## Украина уруш ёқасидами?

# Хушмуомалалик юксак фазилат, истардимки...

Бу юртга биринчи қадамимни қўйган онданок, АҚШдаги инсонларнинг ниҳоятда хушмуомала ва олийжаноблигига жуда қойил қолганман. Кимга мурожаат қилманг, очик чеҳра ва енгил табассум билан жавоб қайтаришади ва ҳаттоки, мушкулнинг осон қилишга роса ҳаракат қилишади. Автобус ҳайдовчисидан тортиб банк ходимигача барча жуда меҳрибон. Фикрингизга охиригача кулоқ тутишади, агар ёрдам бера олишмаса, ёрдам бериши мумкин бўлган инсонни топиб, сизни эътиборсиз қолдиришмайди.

Автобусга минган дақиқангиздан, аксарият ҳолларда, автобус ҳайдовчиси сизга очик чеҳра билан салом беради, ҳол-аҳвол сўрайди ва автобусдан тушаётган пайтингиз, албатта, хайрлашиб, кунингиз яхши ўтишини тилаб қолади. Шунга яраша йўловчилар ҳам хушмуомалалик билан жавоб қайтаришади.

Мижоз сифатида сиз алоҳида ҳурматга эгасиз. АҚШдаги банкларнинг ходимлари мижозларга нисбатан ўта серҳурмат, ахир улар мижоз-да. Агар улар бўлмаса, банкнинг кераги ҳам йўқ. Банка кирган пайтингиздан, банк ходими сизни кутиб олади ва қандай хизмат кераклигини сўрайди. Агар банкда кутиш навбат бўлса, сизга кутиб туриш мумкин бўлган жойни

кўрсатиб, вақтингиз келгунча келиб сиздан хабар олиб туради.

Бу оддий бир банкдаги мисол, холос. Мижозлар билан ишлайдиган бошқа давлат ва нодавлат ташкилотларида ҳам худди шундай, ҳамма нарса режалаштирилган, ходимлар ўз ўрни ва вазифасини юқори даражада билади ва биринчи навбатда, жуда хушмуомала. Энг муҳими, сиз мижоз сифатида ҳеч қачон четда қолиб кетмайсиз.


Бундан ташқари, бирор бир ташкилотга савол юзасидан қўнғироқ қилганингизда, сиз билан телефонда суҳбатлашаётган ходимни кўрмасангиз-да, унинг барча саволларингизга шошмасдан аниқ ҳамда одоб билан жавоб бериши сизни ҳеч вақт эътиборсиз қолдирмайди. Суҳбат якунида бугунги қўнғироқдан кўнглингиз тўлган ёхуд тўлмаганлигини ҳам сўрашади. Сиз бемалол ўз фикрингизни билдиришингиз мумкин, чунки сизнинг фикрингиз улар учун жуда муҳим. Сабаби, уларнинг кейинги риожланиши сиздай мижозларнинг қўлидадир.

Хушмуомалалик бу ҳар бир инсондаги маданиятлик даражасини белгилаб берувчи омиллардан биридир. Тўғри, ҳаётда учрайдиган айрим муаммолар туфайли баъзан хушмуомалаликни унутиб қўямиз. Лекин нима учун бундан бошқалар азият чекиши

керак? Айниқса, мижозлар билан ишлайдиган корхоналарда хушмуомалалик юқори даражада бўлиши шарт, ахир битта ходим кунига бир нечта мижозни қабул қилади ва ўз ўрнида шу мижоз қайтиб шу ташкилотга мурожаат қилиши учун бор кучини сарфлаши лозим. Бунга калит эса ўз ишини пухта билиши билан бирга, сўзлашув одоби ҳамдир.

Ўзбек халқи азалдан жуда меҳрибон, андишали ва оқибатли бўлиб келган. Буни кекса авлод мисолида яққол кўриш мумкин. Лекин ҳозирги кунда ватанимиздаги баъзи давлат ва нодавлат ташкилотларида учраб турган айрим салбий ҳолатлар, баъзи ходимларнинг ўз ишини яхши билмаслиги ва бунинг устига мижозларга қўпол муомала қилиши жуда ачинарли ҳол. АҚШ каби давлатларда яшаб, яхши хизмат нималигини билган инсонлар, албатта, бу икки вазиятни солиштириб, ўзларига керакли хулосаларни чиқаришади. Лекин, афсуски, кўпинча бундай ҳолатларни эътиборсиз қолдиришади.

Назаримда, мижозлар билан ишлайдиган ҳар бир ходим



ишга қабул қилинишдан олдин хушмуомалалик синовидан ўтиши лозим. Шундагина Ўзбекистондаги барча давлат ва нодавлат ташкилотларнинг мижозни янада ортади, бу эса ўз навбатида профессионаллик даражасини ҳам оширади.

Мен ватаним Ўзбекистон ҳар жиҳатдан ривожланишини ҳамда халқимга ўз она юртида ва ватанимни зиёрат қилишга келган хорижлик меҳмонларга, қайси корхона ёки ташкилот бўлмасин, барча муассасалар хушмуомалалик билан муомала қилишларини жуда истаيمان. Ҳеч ким ўзбек халқи ҳақида ёмон фикрда бўлиши керак эмас, буни эса амалда кўрсатиб бериш бизнинг қўлимиздан, албатта, келади.

**Вазира ЗАБИЕВА,**  
**Аризона Давлат университети**  
**Меликан маркази ўзбек тили**  
**ўқитувчиси,**  
**Фулбрайт ФЛТА дастури**  
**қатнашчиси**

GULSHAN'S DANCE STUDIO PRESENTS

**APRIL 26**  
8PM

# Bahor Ayyomi

**Gulshan Kurbanbaeva**

**Otabek Madrahimov**

**Obid Asomov**

**Ravshan Namozov**

**Feruz Latipova**

**Shoira Otabekova**

**Olim Zulunov**

**Rizvongul**

**Murod Jurayev**

**Umida Mirhamidova**

**Aziza Niyozmetova**

**"Ato" Guruhi**

**Umida Botirova**

**VENUE: MASTER THEATER (EX MILLENNIUM)**  
 BROOKLYN: 718-732-3838 · 347-254-3772 · 347-278-1492  
BOX OFFICE GULSHAN DILSHOD

QUEENS: 718-997-8237 · 718-897-4500 · 718-5260791  
BORIS PRODUCTION MILA (DA MIKELE IO) TAMARA

[MasterTheater.com](http://MasterTheater.com)

(Давоми. Боши ўтган сонда)

## ДУНЁДА КЎПХОТИНЛИЛИККА МУНОСАБАТ

Бугунги кунда оила ва никоҳ масаласида инсонлар ахлоқ қонунларидан шу қадар чиқиб кетишдики, уларни инсофга чақириш, қилмишларининг ёмонлигини тушунтириш унча-мунча аҳли донишнинг қўлидан келмай қолди. Ғарб оламининг оила, никоҳ ва фарзанд тарбияси борасидаги тушунчалари ва қарашлари деярли издан чиқиб бўлди. Исломининг асл

Одамлар ибтидоий жамоа тузумидаги каби кўчада учрагани билан тўшагини баҳам кўрмоқда. Никоҳ билан турмуш қуриш қандайдир “даҳмаза”га айланиб қолган. Никоҳсиз туғиб қўйиш, қизларнинг яқинлари томонидан зўрланиши одатий ҳолга айланыпти. Иш шунга бориб етдики, эркакнинг эркак билан, аёлнинг аёл билан жинсий муносабатлари рағбатлантирилмоқда, ҳатто айрим мамлакатларда уларнинг никоҳдан ўтишига ижозат ҳам берилди. Ҳатто ғарб маданияти ва маънавиятининг тимсоли бўлган черков ходимлари орасида ҳам баччавозлик каби бузуқликлар уриб кетди. Ана

фақат маълум чекловлар билан. Бу ерда фақат суднинг қарори билангина кейинги хотинга уйланиш мумкин. Бунда суд биринчи хотиннинг (ёки хотинларнинг) фикрини ҳам ўрганади. Бундан ташқари, суд иккинчи никоҳга нима сабаб бўлаётганини изоҳлашни ҳам талаб этади (масалан, фарзандсизлик ёки биринчи хотиннинг тузалмас дардга гирифторлиги). Шунингдек, уйланиш бўлган эркакнинг молиявий ҳолати ҳам жиддий ўрганиб чиқилади: бордию, у иккинчи хотинга уйланиш бўлса, биринчи оиласидагиларнинг нафақасини қилишга маблағи етиш-етмаслиги ҳам ҳисобда тутилади. Замонамизнинг атоқли Ис-

Аҳмад МУҲАММАД

лан кўнгилхушлик қилиб турамиш”, деди. Бу гапни эшитган терговчи ундан кечирим сўрашга мажбур бўлди: “Бу англашилмовчилик учун бизни кечиринг. Биз уни хотинингиз деб ўйлабмиз, ўйнашингиз борлигини билмаган эканмиз!” Шундай қилиб, бу эр жазодан қутулиб қолди. Чунки унинг мамлақати зинони шахсий эркинлик ҳуқуқи деб ҳисоблайди, айтилган пайтда кўп хотин олишни жиноят сифатида тақиқлайди”, деб таъкидлади Юсуф Қарзовий.

МДҲ мамлакатлари ичида фақат

# КЎНГИЛХУШЛИКМИ Ё КЎНГИЛ ҒАШЛИК? ёхуд кўпхотинлилик муаммоларига бир назар

таълимотларидан чекинган мусулмон ўлкаларда ҳам бу борада жуда ибрат бўлинадигани йўқ. Бу ҳолат айниқса кўпхотинлилик масаласида яққол кўзга ташланиб қолмоқда. Бир нарсани очиқ тан олиш керакки, жуда кўп мусулмон оилаларида эр ва унинг бир неча хотини ўртасида ҳеч қандай муаммо чиқмай, барчалари рисоладагидай умргузаронлик қилаётганидан ҳам кўз юмиб бўлмайди. Уларда “иккинчи ёки учинчи хотин” масаласига кўп ҳам урғу берилмайди. Аксинча ораларида тасодифан юзага чиқиб қолувчи ихтилофларни ўзлари осонгина ечишади, унинг машмасини кўчага чиқаришмайди. Чунки бундай оилаларда эрнинг иккинчи ёки учинчи хотин олишига илоҳий амрнинг ижроси сифатида қаралади. Барчалари ўз мақомлари ва ўринларини яхши англаб, умумий манфаатлар йўлида шахсий ғаразларини ортга суришади. Воқеълик билан келишиб, бахтли умр кечиришади.

Ахлоқий низомлардан чекинган ғарб оламида илоҳий амрлар инкор қилингани учун иккинчи хотинга шаръан уйланиш ман этилган. Бунинг оқибатида эркаклар ўзларининг шахвоний эҳтиёжларини қондиришда никоҳсиз жинсий алоқаларга, очикроқ айтадиган бўлсак, зинога юриб кетишади. Хотинлар эса бу ҳолга уч ҳолат билан муносабат билдиришади: ё юраги қийма-қийма бўлиб кетса ҳам эрининг кирдикорларига индамай кўз юмади ёки ҳаммасига тупуриб талоқ сўрайди ёхуд эридан ўч олиш учун ўзи ҳам ташқарида ишқий саргузаштларини бошлаб, зино қилишга киришади. Бундай жамиятлар ёш эркакка иккинчи хотин олишга рухсат бермайди-ю “эр-хотин бир-бирини яхшироқ синаб олиши учун фуқаролик никоҳида яшаб кўриш”га тавсия беради. Аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, ҳеч қандай шаръий никоҳсиз номаҳрам аёл билан бемалол зино қилишга йўл бериб қўяди.

Бу расвогарчиликларнинг “мева-си” аллақачон пишиб етилди: ғарб оламида оила ва никоҳ деган тушунчалар бутунлай издан чиқиб кетди.



шундай ахлоқсизликлар балчиғида булғаниб ётган ғарб ўзининг муаммоларини ҳал қилиш ўрнига мусулмонларнинг “аёлларни хўрлаб”, “ҳақ-ҳуқуқларини камситиб” иккитадан, учтадан уйланишини тафтиш қилиш, бу ҳақда бутун дунёга ноғора чалиш билан овора.

Дунёнинг жуда кўп мамлакатларида кўп хотинлиликка расман ижозат берилган ва бу ўша давлатнинг қонунларида ҳам қайд этилган. Ҳозирги пайтда Афғонистон, Жазоир, Ироқ, Ливан, Ливия, Марокаш, Миср, Нигерия, Покистон, Саудия Арабистони, Сенегал, Сингапур, Сурия, Судан, Танзания, Урдун (Иордания), Шри-Ланка, Эрон, Ҳабашистон (Эфиопия) мамлакатларида бир неча шартларга риоя қилинган ҳолда тўрттагача аёлга уйланишга рухсат берилган. Аммо айни пайтда Туркия ва Тунис каби аксарият аҳолиси мусулмон бўлган мамлакатларда ҳам кўпхотинлилик расман тақиқланган. Туркияда кўпхотинлилик 1920 йилда тақиқланганига қарамай, одамлар кейинги хотинларининг фарзандлари ҳақ-ҳуқуқларини таъминлашнинг ҳам иложини топишган. Бир неча хотинга уйланиш эркак бошқа хотинларидан туғилган фарзандларини биринчи хотиннинг фарзанди сифатида расмийлаштирилмоқда. Малайзияда кўп хотин олиш учун рухсат бор,

лом уламоларидан Юсуф Қарзовий айрим араб мусулмон мамлакатларида кўпхотинлиликни тақиқлашгани ҳолда зино ва ўйнаш тутиш каби ишларга индамай кўз юмиб туришларидан таажубга тушиб, ўз сайтида бундай деб ёзади:

“Эркакнинг аёлни зинога мажбурлаши ёки эр-хотиннинг хиёлати содир бўлганда алданган томоннинг шеригини кечирмаганини истисно қилганда, бу мамлакатларда зино тақиқланмаган. “Ал-Азҳар”нинг улуғ шайхи Абдул Ҳалим Маҳмуд раҳматуллоҳи алайҳнинг суҳбатларимиздан биринчи хикоя қилишича, кўпхотинлилик тақиқланган араб-мусулмон ўлкасида бир эркак иккинчи хотини билан пинҳона никоҳдан ўтган. Мамлакатда иккинчи хотин олиш тақиқлангани учун ва мамлакатнинг одамлар ўйлаб топган қонунларига биноан жазоланмаслик учун никоҳини рўйхатдан ўтказмаган. Полиция ундан шубҳаланиб, таъкиб қилишни бошлаган ва ниҳоят уни иккинчи хотиннинг уйида қўлга туширган. Агар уни икки хотинлиликда айблагудай бўлишса, қонунга биноан жазоланиши керак эди. Шунинг учун у қонунни четлаб: “Бу менинг иккинчи хотиним деб сизларга ким айтди? Ёлғон айтишибди, бу аёл – менинг ўйнашим, вақти-вақти билан у би-

Туркменистонда кўпхотинлиликка расман ижозат берилган. Бу ерда эркаклар икки, уч, тўрттагача уйланишлари мумкин, бироқ бунинг учун улар ўзларининг молиявий аҳволлари ҳақида жуда кўп маълумотнома ва бошқа ҳужжатлар тақдим этишлари керак бўлади. Бордию туркман аёлига чет эллик киши уйланиш бўлса, мамлакат хазинасига эллик минг доллар пул тўласагина ниятини амалга ошириши мумкин. Қирғизистон ва Қозоғистонда ҳам кўп хотин олишга рухсат масаласида бир неча бор кўтарилганига қарамай, бу ҳозирча ечимини топганича йўқ. Эҳтимол, Қирғизистоннинг таниқли сиёсатчиларидан Турсунбой Бакир ўғли айтганидай, бунга мана бундай муаммолар тўсқинлик қилган бўлиши мумкин: “Бугунги кунда кўпхотинлиликка рухсат бериш ақлга сиғмаган иш бўлади. Чунки аксар оилаларда битта хотинни боқишга эрларнинг қурби етаётгани йўғу, икки, учтасини қандай қилиб боқадим?”. Ҳақиқатан, одатда қирғиз оиласида беш-олтитадан бола бор, кам таъминланган оилаларнинг даромади эса ойига 20 доллардан ошмайди. Бошқа мамлакатларда кўпхотинлилик давлат қонунларига кўра тақиқланган бўлса-да, кўп ҳолларда бир нечтадан хотин олиш кенг тарқалганини ва жуда камёб ҳоллардагина бир неча аёлга уйланиш эркаклар қонунга кўра таъкиб қилинганларини кўриш мумкин. Бошқача айтганда, ҳуқуқ органлари эркакларнинг бу «шўхликларига» индамай «кўз юмиб» туришади. Айниқса, Россиянинг Чеченистон, Дағистон, Ингушистон, Татаристон каби мусулмонлар аҳолининг асосий қисмини ташкил этувчи ўлкаларида кўпхотинлилик анча кенг тарқалган. Масалан, Россия Муфтийлар кенгаши ҳамраиси Нафиғулла Аширов келтирган маълумотларга кўра, ҳозир Россия мусулмонларининг ўн фоизи икки-тўрт хотин билан никоҳда яшамоқда. Россияда кўпхотинлилик муаммоси яқинда Давлат думасида кўриладиган бўлиб турибди.

(Давоми келгуси сонда.)

– Их-х!

Тўсатдан яна ўша ички шарпа пайдо бўлиб, тир-ноқдор панжасида юракнинг нақ сўпписини чангаллади. Илик-лангунча чайналган анжир Босволдининг томоғига чандирдек қадалгач, бор кучи билан ютиниб, тал-васали қиёфада ўрнидан турди.

Азалдан шунақа – бирон кўнгилсизлик юз беришидан олдин танасининг ичида қандайдир шарпа ғимирлаб қолади. Буни илк бора болалик чоғида, шаҳарнинг айнан шу бозорида пистафурушлик қила бошлаган пайтларидаёқ сезган. Ўшанда эллик биринчи йилнинг кеч кузи эди, билдириксиз бир ички шарпа юракни тепадан ғижимлаб ғашлантираверди. Бунинг нима эканлигини сал кейинроқ, урушдан пешанаси ямоқ бўлиб қайтган Султон мелиса, пистани Сталиннинг сурати бор газетга ўраб сотгани учун уни бозордан судраб чиқиб, кетига тепиб ҳайдаган лаҳзада англаб етди. Баттол шарпа бўлажак дилхираликнинг даракчиси эканлигига биқиниб-қисиниб атторлик қилишга тутинган, паттачиликка кўтарилган даврларида ҳам, бозорни шахсан бошқариш мартабасига эришганидан кейин ҳам, кўп марта амин бўлди.

Босволди дастурхоннинг учини қайириб, столдаги анжирли тақсимчанинг устини ёпгач, идора-сидан таштқарига чиқиб, атрофга ҳадикли назар ташлади. Поғоннадан тушиб, дўконлар тизими бўйлаб одимлаган куйи, мева-сабзавот савдоси қизиб турган қўшгумбазли тим томонга йўл олди. Беш-ўн қадам юриб-юрмай, атир-упа дўкончаси ёнида па-канагина йигит ўзидан икки баравар бўйчан қизнинг елкаларига осулгудек бўлиб, бурнига бурнини ишқайтганини кўрди-ю, тепа сочи тиккаланиб, таққа тўхтади.

– Хў, лайча! – кўзлари чилимдаги ўтдек чўғланиб, вангиллади Босволди. – Исловатхонамас, бозор бу! Ҳе, симёғочга тирмашган мантўрга ўхшамай ўл...

Босволди бошини ҳўкизузиш қилиб, ошиқ-мошиқлар сари юраётганида, Ниғмон паттачининг: «Осмонда бургут кўринди, ҳа-ҳов!» – деган товуши диққатини тортди, ўша ёққа ярқ этиб қаради. Ниғмон паттачи маънодор қиялаб, мўйловида тим тарафга ишора қилди. Босволди кескин зийракланди, қисик кўзлари тимнинг остини титкилаб-титкилаб, ниҳоят, бир нуқтада тўхтади. Қайсидир «дўнглик»дан сурилиб, яқинда ҳокимиятга ишга ўтган Гўга Гадович ғўдайганича раста кезаётгани, ора-сира деҳқонлар билан гап чўқилашиб қўяётганини кўрди. «Менга учрашмай, ўзича бозор кезиб юришида бир хосиятсизлик бор-ов», деган ўйдан юраги янада хижилланди. Ниғмон паттачига сирли сузилиб, иккала қўли билан ҳавони чирманда шаклида чизган тарзда сеҳрли топшириқни берди, сўнгра ўзини харидорларнинг панасига олиб, Гўга Гадовичга ўғринча яқинлаша борди.

Гўга Гадович таппак дўппили сотувчининг олдидан тўхтаб, пеш-

тахтага терилган бақлажонлардан бирини қўлга олиб, уни бурун жийирган асно кўздан кечиранкан: «Олтиариқликмисиз, ўртоқ деҳқон?» – дея жўғрофий савол ташлади. Сотувчи: «Янгийўлликман», деб жавоб қилгач, мийиғида тиржайди:

– Дарвоқе, Олтиариқнинг бодринглари кўк бўлгучи эди. Хўш, қора бодрингни қанчадан сотаяпсиз?

– Бу бодрингмас, ака, – беихтиёр кулиб юборди сотувчи. – Бақлажон бу. Гўга Гадовичнинг бирдан ёноғи

Бўпти, ана, олинглар бодрингдан.

– Қора бодринг! – бармоғини осмонга бигизлаб, сотувчига танбеҳ берди Гўга Гадович. – Мана энди айтинг, қора бодрингни қанчадан сотаяпсиз?

Сотувчи сўзга лаб жуфтлаб улгурмай, Босволди қайтадан орага сукулди:

– Каллангни ишлатиб, инсоф билан гапир. Балки, олдинда масъул вазифадаги одам тургандир. Балки, шунчаки нарх-навони ўрганиб юрган-

**Анвар ОБИДЖОН**



титради:

– Нима? Сизни деҳқон деб ўйласам, олиб сотар экансиз-да? Қаранг, нимани сотаётганингизни билмаяпсиз.

– Худо хоҳласа, яқинда қирққа кирраман, бизни жа ёш бола қилворманг. Ҳарқалай, бодрингни бақлажондан ажратармиз.

Шефнинг тугалай феъли айниши умумбозор миқёсидаги ишларга ҳам салбий таъсир кўрсатиши мумкинлигидан чўчиган Босволди шамсияли аёлнинг панасидан лип этиб чиқиб, сотувчини пўписага кўмиза бошлади:

– Э! Қанақа одамсан? Ўзингдан катта киши бодринг деб турибди-ю, сен нуқул бақлажон, бақлажон, дейсан. Қани ахлоқ? Қани одоб?

Босволди тарбиявий пўписани тугатибоқ, туйқусдан мулоиймланди, Гўга Гадовичга таъзимланиб, қуюқ саломлашди. Шеф бозорқўм билан қўл учида кўришаётиб, норизо сиёқда чимрилди:

– Бозорингизда тартиб қолмабдику, оқсоқол. Мана, қора бодрингни бақлажон деб сотишяпти. Харидорларнинг ҳуқуқига ҳурмат шуми?

Босволди сотувчига тақрор ўқрайиб: «Сен каллаварамга ким торози берди ўзи? Бозордан учирвораман-а, ҳов!» – деб дағдағадан болохона кўрди. Сабзифурушлар қаторига кириб олган Ниғмон паттачи сотувчига зимдан чақчайиб, жағ силади. Сотувчи уч овчининг ўртасида қолган қуёндек гарансиб: «Нима, буларга бақлажон деб мен от қўйибманми?» – дея ўзини оқлашга уринганини билади, бозорқўм кафтини унинг оғзига пешма-пеш ниқтаб: «Яна бақлажон дейди-я, яна бақлажон дейди-я! Ўчир!» – деб девдек давара-ланди.

– Шунинг бодринг десам, қутуламанми? – йиғламситрагудек бўлиб шарттакиланди сотувчи. –

гезариб турган кушандаларга хижолатланиб қараб қўйгач: «Илтимос! Шу топда бақлажон демай тургин, укажон», дея илтижо-ланди.

– Ий! – тўрсайиб термилди йигитча. – Нима дей бўлмаса?

– Манави амалдор акамиз буни қора бодринг деб турибди. Гапини тўғри демасам, бозордан ҳайдаладиганга ўхшайман.

– Буларнинг суяги эски идораларда қотган, ҳалиям айтганим айтган деб ўйлашади, – болаларча илжайиб, бепарво қўл силтади йигитча. – Ҳозир демократия замони. Энди ҳеч кўркмасдан бодрингни бодринг, бақлажонни бақлажон десак бўлаверади.

Аплақандай «хамак»нинг дашноми Гўга Гадовичга оғир ботиб, аламдан бағбақаси пирпиради, шартта ортага бурилиб, тез-тез одимлаганича кўздан узоқлаша бошлади. Босволди бир муддат типирчиланиб турди, сўнг Гўга Гадовичнинг кетидан чопишга шайланаркан, сотувчига кўз олайтириб ғижинди:

– Ҳаҳ, қишлоқи... Қараб тур ҳали! Сотувчи бу сафар бозорқўмга ҳаволаниб боқди:

– Бунақа қашқирқараш қилманг! Сизга ўхшаганлардан кўрқадиган жинни йўқ! Манави тирмизак менга тўғри дакки берди...

Босволди ғойиб бўлгач, сотувчи: «Э, ҳайрият-е, бақлажонни бемалол бақлажон дейдиган кунам бораканку», дея эркин нафас олди. Дазмол кўрмаган яктагининг чўнтагидан носқовоқни суғираркан, теваракка очиқ чехра билан юзланиб, баралла сайрашга тушди:

– Кепқолинг! Янги бақлажон, ширин бақлажон, арзон бақлажон! Э, демократияга офарин! Опқолинг бақлажондан! Ҳаҳе-е-й!!!

Бу ҳайқириқлар керакли изни искалаб бораётган Босволдининг қулоқ пардаларида мозахли садоланиб, таъбини баттар хиралаштирди: «Охири барибир ишқал бўлди! Ўша ички шарпагаям, қора бодринггаям минг лаънат!»

## «ЎТДИ АЁЛ БАЙРАМИ»



**Тўққизинчи март бугун,  
Ўтди она байрами,  
Тенг ҳуқуқли аёллар,  
Ишланг, бўлинг, ҳа, қани...**

## Уммонга қарши иккита ўртоқлик ўйини ўтказилади



Ўзбекистон миллий терма жамоаси 27 ҳамда 29 май кунлари Тошкентда Уммон терма жамоасига қарши икки ўртоқлик учрашуви ўтказиши тасдиқланди.

Шунингдек, Ўзбекистон миллий терма жамоаси 3 сентябрь кунини Иорданияга қарши ўртоқлик ўйинини ўтказади. Бу ўйин ҳам Тошкентда ўтказилади.

ЎФФ Терма жамоалар маркази директори Асқар Толибжоновга кўра, миллий терма жамоа октябрь ойида ҳам бир нечта ўртоқлик ўйинини ўтказади. Режага кўра, дастлаб, 6 октябрь кунини Дохада Қатарга қарши ўртоқлик ўйини ташкил этилади. Қосимов шогирдлари 10 ва 14 октябрь кунлари шунингдек Баҳрайн ва БАА миллий терма жамоаларига қарши майдонга тушади. Ҳар иккала учрашув БААнинг Дубай шаҳрида бўлиб ўтиши режалаштирилган.

«The-Uff.com»

## Ўзбекистон ФИФА рейтингда икки поғона юқорилади



Халқаро футбол уюшмалари федерацияси – ФИФА миллий терма жамоаларнинг янги рейтингини эълон қилди. Унга кўра, Ўзбекистон миллий терма жамоаси жаҳон рейтингда аввалги ойда эгаллаган ўрнидан (55) икки поғона юқорилаган ҳолда 53-ўринда қайд этилган.

Ўзбекистон миллий терма жамоаси Осиё миқёсида ҳамон учинчи ўринни эгаллаб турибди. Кучли бешликдан Эрон (жаҳон рейтингда 37-ўринда), Япония (47), Жанубий Корея (56), Австралия (59) ўрин эгаллаган.

МДХ, Грузия ва Болтиқбўйи мамлакатлари орасида Ўзбекистон миллий терма жамоаси Украина (жаҳонда 17-ўрин), Россия (28) ва Арманистон (33)дан сўнг тўртинчи ўринни банд этган.

Миллий терма жамоалар умумий рейтингда амалдаги жаҳон чемпиони – Испания етакчилик қилишда давом этмоқда, кучли учликни Германия ва Португалия терма жамоалари тўлдирган. Тўлиқ рейтинг билан ФИФА расмий сайтида танишиш мумкин.

«The-Uff.com»

## Миржалол Қосимов «Бунёдкор»ни тарк этди



4 апрель кунини ЎФФ Ижроқўм йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда миллий терма жамоаларга оид бир қатор муҳим масалалар кўриб чиқилди.

Ижроқўм йиғилишида миллий терма жамоаларга оид бир қатор қарорлар қабул қилинди. Жумладан шу кунгача ҳам Тошкентнинг «Бунёдкор», ҳам Ўзбекистон миллий терма жамоаси бош мураббийи сифатида фаолият юритиб келган Миржалол Қосимов, Ижроқўм қарорига кўра эндиликда фақат миллий терма жамоа бош мураббийи сифатида фаолият олиб борадиган бўлди.

Миржалол Қосимов шунингдек, Осиё ўйинларида иштирок этадиган терма жамоада ҳам бош мураббий сифатида ишлади. Маълумот учун, 1991-92 йилларда туғилган ёшлардан иборат терма жамоа сентябрь ойида Инчонда бўлиб ўтадиган Осиё ўйинларида иштирок этади. Таъкидлаш жоиз, Осиё ўйинларида иштирок этадиган терма янгидан тузилади ва бу терма жамоа олдига Инчонда чемпион бўлиш вазифаси юклатилган.

Шухрат Мақсудов эса, 1993- йилгача туғилган футболчилардан иборат терма жамоа (U-22) бош мураббийи сифатида ўз фаолиятини давом эттиради.

«The-Uff.com»

## ОК-2019 ва ЖЧ-2018 саралашлари бирлаштирилди



ОФК Ижроқўми Осиё кубоги-2019 ва ЖЧ-2018 саралаш мусобақаларини бирлаштириши ҳақидаги расман маълумот берди.

Бу ҳақда ОФК медиа канали орқали хабар берилди.

Дастлаб терма жамоалар 8та гуруҳга бўлинишади. Гуруҳ ғолиблари ва 2-ўринни олганлар орасида энг яхши натижага эришган 4 жамоа Жаҳон чемпиони саралашда кейинги босқичга чиқади.

Кейинги мавсумдан ОЧЛ квоталари ФИФА рейтингини (30%) ва клубларнинг сўнгги 4 йилдаги натижалари (70%) асосида тақсимланадиган бўлди.

Рейтингда 1-24-ўринларни эгаллаган давлат клублари ОЧЛга йўлланма олишади.

Рейтингда 25-32-ўринларни эгаллаган давлат клублари ОФК кубоги гуруҳ босқичига йўлланма олишади.

Рейтингда 33-47-ўринларни эгаллаган давлат клублари ОФК кубоги саралаш баҳсларига йўлланма олишади.

«Championat.asia»



## Сколари таркибни аниқлаб бўлди

Бразилия миллий терма жамоаси бош мураббийи Луиз Фелипе Сколари 2014 йилги жаҳон чемпионатида иштирок этувчи терма жамоанинг таркибини аниқлаб бўлганини айтиб ўтган. Сколари Европадаги терма жамоа аъзоларининг ўйинларини кўриш учун кўҳна қитъага ташриф буюрганди.

– Менда фақат айрим ноаниқликлар қолган ҳолос, – дейди бразилияликлар устози. – Рўйхат 95 фозга тайёр. Менинг бу сафарим давомида ўтган йил конфедерациялар кубогида иштирок этганларнинг қанчаси бу йил ҳам тайёр бўлиши ҳақида маълумотлар йиғдим. Ҳозирга қадар бирор марта термага чақирилмаган футболчи асосий таркибнинг бирортаси жароҳат олгандагина чақирилиши мумкин. Айрим ўйинчилар термага жуда кўп фойда келтиришди ва уларнинг ҳолатидан қатъи назар мундиалда қатнашади.

«Sports.uz»

## Дидье Дешам: Кимлигимизни исботлаймиз

Франция терма жамоаси бош мураббийи ЖЧ-2014 баҳсларида юқори чўққиларни кўзламоқда.

«Франция терма жамоасининг сўнгги муваффақиятли иштироки 2006-йилги жаҳон чемпионати бўлган эди. Ушангаям саккиз йил бўлибди. Бу катта муддат.

Ҳозирда ФИФА рейтингда 17-ўринни эгаллаб турибмиз. Ўтган сафарги Европа чемпионатида ҳам чорак финалда мусобақани яқунлаган эдик.

Бу йилги бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионатида кимлигимизни исботлашимиз зарур», – деб айтиб ўтди Дешам УЕФА расмий сайтига берган интервьюсида.

«Championat.asia»

## Италия термасидаги 18 футболчининг номи ойдинлашди

Италия терма жамоасида Бразилияда ўтадиган жаҳон чемпионатида борадиган 18 футболчининг номлари ойдинлашди.

Шу кунларда бош мураббий Чезере Пранделли тест натижаларига кўра ўйинчилар рўйхатини тузди.

Дарвозабонлар: Жанлуижи Буффон («Ювентус»), Сальваторе Сиригу («ПСЖ»).

Ҳимоячилар: Андреа Бардзальи, Леонардо Бонуччи, Джорджо Кьеллини (ҳаммаси – «Ювентус»), Маттиа Де Шильо («Милан»), Габриэль Палетта («Парма»), Ромуло Соуза («Верона»).

Яриммоячилар: Антонио Кандрева («Лацио»), Даниэле де Росси («Рома»), Клаудио Маркизио, Андреа Пирло (иккиси – «Ювентус»), Риккардо Монтоливо («Милан»), Тиаго Мотта («ПСЖ»).

Ҳужумчилар: Марио Балотелли («Милан»), Антонио Кассано («Парма»), Алессиньо Черчи («Торино»), Альберто Жилардино («Женоа»).

Ҳаммаси бўлиб ЖЧ-2014га 23 футболчи боради.

«Std.uz»



# OZODBEK NAZARBEKOV

**MAY 2 · 7PM**  
Cincinnati, OH  
T: 513-312-7788

**MAY 3 · 7PM**  
Brooklyn, NY  
T: 718-501-5872  
(Queens) 917-577-1236

## Бруклинда “Лаззат” ресторани иш бошлади

Нью-Йорк дунё маркази деб бекорга айтилмаган. Чунки бу шаҳарда ер юзининг турли мамлакатларидан келган инсонлар истиқомат қилади. Бундай жойда турли халқларнинг энг сара таомларини тайёрлаб мижозларга тақдим этувчи ресторанлар мавжуд бўлиши табиий. Шундай ресторанлардан бири яқинда “Лаззат” номи остида ватандошимиз Абдумалик Аҳмедов бошчилигида ўз фаолиятини бошлади.

Рестораннинг очилиши муносабати билан ташкил этилган кичик тадбирга кўплаб меҳмонлар қаторида камина ҳам ташриф буюрди. Шарқона, европача ва миллий таомлар билан мижозлар кўнглига йўл топишни мақсад қилган ушбу маскан жуда ҳам ши-

*Sharqona va Yevropa  
taomlari*



718-676-4800

1969 Bath Ave., Brooklyn, NY



нам бўлиб, алоҳида дид билан безатилган. Ресторан ичида яратилган муҳит ва махсус аудио ускуналардан таралаётган сокин куй ҳамоҳанглиги ҳар

қандай хўранда учун яхши кайфият бахш этади. Менидаги таомларнинг хилма-хиллиги, овқатларнинг бетакрор ажойиб таъми ҳамда чаққон ходимлар

кўрсатаётган юқори даражадаги хизмат мазкур ресторанининг мижозлар учун сифатли фаолият бошланглигидан дарак.

Очилиш маросимида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Самандар Ҳамроқулов бошчилигидаги санъаткорлар ҳам иштирок этишди. Хонанда ва скрипка ижроچиси Жаҳонгир Турдиев ҳамда кўшиқчи Анваржон Бекматов томонидан ижро этилган куй-кўшиқлар ҳаммага манзур бўлди.

Ресторан соҳиби Абдумалик Аҳмедовни бошлаган ушбу иши билан табриклаймиз ва “Лаззат” ресторани Нью-Йоркдаги энг севимли ресторанлардан бирига айланишига тилакдошимиз.

Дилшод ЗОКИРОВ